O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 12-mart, chorshanba | № 20 (7525)

Da'vat

Inson dunyoni qanchalik bilsa, o'zligini ham shunchalik anglaydi.

Iogonn GYOTE

Ibrat

Paxtaobod tumanidagi "Madaniyat" matlubot hissadorlik jamiyati raisi Mahmudjon Abdulazizov tumandagi 31-maktab-internatining moddiy-texnika bazasini mustaxkamlash maqsadida 150 ming so'mlik homiylik yordami ko'rsatdi. Bundan tashqari, saxovatpesha homiy 29-o'rta maktabda ta'lim olayotgan 5 nafar kam taminlangan oila farzandlarining namunali bilim olishlari uchun har biriga 16 ming so'mlik qiymatga ega o'quv-qurollarini ham hadya etdi.

Жиззах шаҳридаги 12-мактабнинг биология фани ўқитувчиси, "Шуҳрат" медали соҳибаси Комила Саидаҳмедова ҳар бир дарсни кўргазмали қуроллардан фойдаланган ҳолда ўтади. Натижада ўғил-қизларнинг тушунчаларни ўзлаштириш кўрсаткичи юқори бўлаяпти.

Суратда: Изланувчан муаллима навбатдаги дарсини кўргазмали қуроллар ёрдамида олиб бораётир.

Бурҳон РИЗО олган сурат.

БОЛАНГИЗ ТИББИЙ КЎРИКДАН ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА?

ёхуд мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактабларида 2-11-синф ўқувчиларининг чуқурлаштирилган тиббий кўригини ташкил этиш ва ўтказиш хусусида

Jarayon

Эрталаб 8-синфда ўқийдиган укамнинг:

— Ойижон, шифокорларнинг тиббий кўрик пайтида юрак ва ўпка ҳаракатини эшитиш учун ишлатиладиган тиббиёт асбоби — фонендоскопни устки кийим устидан ҳам фойдаланиши мумкинми? — деган сўзлари қулоғимга чалинди.

Ойим жавоб қилиб улгурмай:

— Нимага ундай дейсан? — дея суҳбатга аралашдим.

— Мактабимизда тиббий кўрик ўтказаётган шифокорлар ана шу асбоб билан болаларни кўйлаклари ва жемперлари устидан "тинглашди"-да...

Бу гапларни бежиз эсламадим, бугунги кунда мамлакатимизда мактаб ўқувчиларини тиббий кўрикдан ўтказиш жараёни кечаётган бир пайтда юқорида келтирилиб ўтилган ҳолатнинг у ёки бу мактабда такрорланмаслиги-га ким кафолат беради? Умуман, жойларда бу жараён қандай кечмоқда? Ўқувчиларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишда масъулият юки, асосан, кимларга юкланмоқда? Бунда соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларидан ташқари ўқитувчилар, синф раҳбарлари, ота-оналарнинг ўрни қандай? Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва педагогик-психологик Республика ташхис маркази дефектология ва тиббий хизмат бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди Карима Иномова билан суҳбатимиз ана шу масалалар доирасида кечди.

— Карима опа, мамлакатимиз таълим муассасаларида ўқувчиларга тиббий хизмат кўрсатишнинг бугунги кундаги аҳволи қандай, деб ўйлайсиз?

(Давоми 2-бетда)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

РУҲШУНОС МАШҒУЛОТИДА БЎЛГАНМИСИЗ?
2-бет

ИЗОҲЛИ ТАЖРИБАВИЙ ЛУҒАТ
3-бет

ЯНГИ МАНБАЛАР БИЛАН БОЙИТИЛСА
ДАРС САМАРАДОРЛИГИ ОШАДИ
3-бет

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ОТА-ОНАЛАР ҚЎМИТАСИ ТЎҒРИСИ
НИЗОМ
4-бет

ОТА-ОНА ОРЗУСИ
У ФАРЗАНД ТАҚДИРГА ҚАНЧАЛИК БОҒЛИҚ?
4-бет

ЮРАКЛАРДА ЯШАЙВЕРАСАН, НАВРЎЗ!
5-бет

"ЗАРДЎШТ" КРОССВОРДИ
8-бет

КИТОБ МАРАФОНИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Tashabbusning qanoti

28 октябрь — Халқаро мактаб кутубхоналари куни муносабати билан ўтган йили мамлакатимизнинг бир қанча мактабларида "Китоб марафони" ўтказилганлиги ҳақида газетамиз саҳифаларида хабарлар берган эдик. Бу хайрли тадбир юртимизда анъанага айланиб қолди. Мактаб кутубхоналарига китоб совға қилиш миллат тараққиёти учун қайғурадиган зиёли инсонларнинг энг эзгу амалларидан бирига айланиб бормоқда.

Хоразм вилояти, Хива тумани Беруний номидаги ширкат хўжалиги раиси Равшан Каримов 2-, 15-, 14-, 24-, ва 26-мактаб кутубхоналарига 6000000 сўмлик китоб ҳадя қилган бўлса, Урганч Давлат университети ректори, академик Азимбой Саъдуллаев Шовот туманидаги 20-мактаб кутубхонасига 2000000 сўм ҳадя қилди. Қўқон шаҳридаги 5-мактаб ўқувчилари шаҳардаги 12-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига бадиий адабиётлар совға қилдилар. Осиё Тараққиёт Банки Республика илмий педагогика кутубхонаси томонидан ўтказилган "Мактаб кутубхона — оилажамоат ташкилотлари" хайрия тадбирига инглиз тилидаги иқтисодий, сиёсий, бадиий адабиётлар тақдим этди.

Мухбиримиз

ЁШЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАСТУР

Аёллар ва болалар саломатлиги учун қайғуриш ҳукуматимиз олдидаги муҳим вазифа. Вазирлар Маҳкамасининг 242-сонли қарорида "Оилада тиббий маданият савиясини ошириш, аёлларнинг соғломлигини мустаҳкамлаш, туғилиш ва соғлом авлодни тарбиялаш омилларининг қўлланиши" ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси ва "Procter & Gamble" ташкилоти билан ҳамкорлигида тузилган "Баркамол авлод даври" дастурининг бу йилги тақдимоти Юнусобод туманидаги 70-ўрта мактабда ўтказилди. Юқоридаги вазирликлар ва муассасалар вакиллари қатнашган ушбу тадбирда дастурнинг қандай олиборилаётганлиги муҳокама қилинди.

Ўсмирларнинг гигиеник ва физиологик жараёнига қаратилган "Баркамол авлод даври" дастури Ўзбекистонда 1998 йилдан бошлаб ўтказилиб келинмоқда. 1998-2002 йиллар мобайнида мактабларнинг 6-7-синф қизларидан 150500 нафарини ўзига жалб қилган бу дастурдан кўзланган мақсад, репродуктив саломатлик, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва гигиеник маданият даражасини кўтаришдир.

Жорий йил дастур доирасида тажрибали мутахассислар гуруҳи, шифокор-гинекологлар физиологик ва психологик ўзгаришлар, ўсмир ёшлар ҳаёти жараёнида ўтиш даврининг кечиши, шахсий гигиенага риоя қилиш, жинсий етилиш даврида нималарга эътибор қаратишлари тўғрисида маърузалар қийдилар, услубий қўлланмалар тарқатадилар.

М.САМИНЖОНОВА,
Республика таълим маркази "Соғломлаштириш" бўлими етакчи методисти

"БАЛЛИ, ТЎГАРАК РАҲБАРЛАРИ!"

Tanlov

Ўқув-услубий мажмуада беш нафар тўғарак раҳбарлари ўртасида бир йилда уч марта босқичма-босқич ўтказиладиган "Балли, тўғарак раҳбарлари!" танловининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Тўғарак раҳбарлари танловда ўзларининг билим кўникмаларини ошириш, табиатга бўлган эҳтиёткорона муносабат туйғуларини шакллантириш, машғулотларда узлуксиз экологик таълим-тарбия бериш, экологик қонунларга бўлган билимларини ошириш ва "Қизил китоб"га киритилган ўсимлик ҳамда ҳайвонлар ҳақидаги билимлари билан ўртоқлашишди.

Танловда Тошкент туманидаги 13-мактаб тўғарак раҳбари Шаҳноза Исмоилова барча саволларга аниқ жавоб бериб, 1-ўринни эгаллаган бўлса, бир йўла уч нафар ўқитувчи — Юнусобод туманидаги 288-мактаб тўғарак раҳбари Доно Ҳошимова, Чилонзор туманидаги 22-меҳрибонлик уйи ўқитувчиси Зуҳра Аҳмедова, Юнусобод туманидаги 143-мактаб тўғарак раҳбари Шоҳида Одиловалар иккинчи ўринни эгаллашди. Шайхонтоҳур туманидаги 137-мактаб тўғарак раҳбари Дилором Шатаевага эса 3-ўрин насиб этди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш жоизки, "Тоза муҳит — соғлом авлод гарови" шиори билан ўтказилувчи танловда 12—16 ёшли ўқувчилар иштирок этишиб, 15—20 варақдан иборат рефератларини турар жой ва мактаб манзилларини ёзган ҳолда 5 апрелдан 6 майга қадар республика "Bioekosan" ўқув-услубий мажмуасига тақдим этишлари лозим. Ғолиблар 5 июнга қадар эълон қилиниб, уларга ёз фаслида оромгохда дам олишлари учун бепул йўлланма берилади.

Шерали НИШОНОВ,
"Ma'rifat" мухбири

"TOSHKENT MAHALLALARI: AN'ANALAR VA ZAMONAVIYLIK"

Shu nomda "Yangi asr avlodi" nashriyot-matbaa markazida nashr etilgan ushbu tarixiy-etnografik monografiyada xalqimiz hayotiga chuqur singib ketgan qo'ni-qo'shnichilik jamoasi-mahallaning o'rni va ahamiyati keng yoritilib, turli tarixiy voqealarga boy — XX asrda o'ziga xos bo'lgan jamoatchilik boshqaruvining ushbu ko'rinishi mavqei, mohiyati, vazifasi va etnodemografik tuzilishi ilmiy o'rganilgan.

BOBONING MURUVVATI

Xalqimizning mehribonlik, saxovatpeshalik, bayramlarda muxtojlar holidan xabar olishdek oliyjanob an'analariga sodiq bo'lgan termizlik Odina bobo Nazarov Boysun tumanidagi 12-Mehribonlik uyi tarbiyalanuvchilari huzurida bo'lib, ularga katta doshqozonda osh damlab, o'z firmasi hisobidan o'quv qurollari, oziq-ovqat mahsulotlarini hadya etdi.

O'QUV SEMENARI

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Gidrometeorologiya Bosh boshqarmasida Kanadaning xalqaro taraqqiyot agentligi bilan hamkorlikda ekologik musaffolikni ta'minlashga bag'ishlashga o'quv-semenari bo'lib o'tdi.

XALQARO KONFERENTSIYA

Farg'onada NATO va O'zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligi hamkorligida tashkil etilayotgan Barqaror rivojlanishga erishish yo'lida "Farg'ona-2003" o'quv mashg'ulotlariga tayyorgarlikning borishiga bag'ishlangan so'nggi xalqaro konferentsiya bo'lib o'tdi.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

СИНФДАН ТАШҚАРИ ЎҚИШ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ?

Мустақил ўқиш — мустақил фикрлаш демакдир

Sinab ko'ring

Биз, ўқитувчилар, китоб ўқишни таълим жараёнининг энг муҳим ажралмас таркибий қисми деб ҳисоблаймиз, чунки мутасил китоб ўқишни одат қилган ўқувчи сўзга бой, суҳбати ширин, нутқи равон, дунёқараши кенг, билимдон инсонлар бўлиб етишадилар. Афсуски, аксарият ўқувчилар буни тушуниб етмайдилар ва кўпинча, биз уларнинг китоб, газета ва журналлар ўқимасликларидан шикоят қиламиз. Тарбиявий соатларда китобнинг аҳамияти ҳақида машғулотлар ўтамиз. Баъзан кутубхоначи китобларни яхши тарғиб қилмаслигидан, китобхонликка оид тадбирлар ўтказилмаслигидан нолиймиз.

Хўш, масъулиятни ким зиммасига олади? Саволни ҳозирча очиқ қолдириб, ривожланган давлатлар таълим дастурига разм солсак, уларда синфдан ташқари ўқишга алоҳида машғулот сифатида қаралишини кўрамиз. Ўқувчилар ўқитувчиси ёрдамида бир синф учун битта ёки икки синф учун битта ёки ўқувчилар салоҳиятига мос равишда икки, уч номдаги китобни танлайдилар. Танланган нашрлар ўқув йили давомида чоракларга бўлиб, ўрганиб борилади ва йил якунида ўқувчи китобни қай тарзда ўзлаштирганлиги имтиҳондан ўтказилади. Бизда-чи?

Очиқчасига тан олишимиз керак, синфдан ташқари ўқиш номигагина иш режасига киритилади. Мустақил ўқилиши тавсия қилинган асарлар рўйхатини синфма-синф тақсимлаб адабиёт хонасига илиб қўямиз. Ажратилган соатларда қайси китоблар ўқилиши аниқ режалаштирилмаган мавзулар асосида юзаки суҳбат ўтказилади, баъзида эса ушбу соатларни ўтилган дарсларни мустаҳкамлашга сарфлаб қўя қоламиз. Агар қишлоқ шароитида ўқишда мавсумий узилиш бўлганда дарсларни тиғизлаш зарурати пайдо бўлганда, энг аввало, синфдан ташқари ўқиш соатлари "киркиб" ташланади. Кўпчилик ўйлайдики, синфдан ташқари ўқиш фақат адабиёт дарсларида ўтказилади, холос.

Ҳақиқатан ҳам у мазкур дарснинг бир таркибий қисми, шунингдек, тарих, география, хорижий тиллар, физика, математика, кимё ва бошқа дарсларда ҳам синфдан ташқари ўқиш ташкил этилса, нур устига аъло нур бўлади. Тарих дарсларида тарихий мавзуларга доир асарлар, география дарсларида улкан географик кашфиётлар, буюк сайёҳлар, биология дарсларида табиатнинг ноёб мўъжизалари ҳақида, аниқ фанларда эса олимлар ҳаёти ва уларнинг ижодий изланишлари ҳақидаги ўқиш йўлга қўйилса, болалар дунёқараши кенгайиб боришига имкон яратилади. Уларнинг мазкур фанлардан олган билимлари бойийди.

(Давоми 3-бетда)

Bayram tadbirlari

Тошкент ахборот технологиялари университетида бўлиб ўтган "Иқбол" қизлар-танловида турли факультетларда таҳсил олувчи олти нафар қизлар беллашишди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Олий Мажлис депутати Ўткир Ҳошимов аввало хотин-қизларни байрам билан қизғин қутлади. Қайсики юртда аёл шаъни, қадр-қиммати эъзозланса, ўша ерда қут-барака, тўкинчилик бўлади. Муқаддас ҳадиси шарифда ҳам "Жаннат оналар оёғи остидадир" деб бежиз айтилмаган. Адиб бундай тадбирлар олий даргоҳда тез-тез ўтказиб келинаётгани бу ерда ташкилий ишлар яхши йўлга қўйилганидан далолат эканини таъкидлади. Университет талабалар уйида жорий йилнинг 15 февралидан 1 мартига қадар "Энг намунали қават", "Энг намунали ўғил болалар ва қизлар хонаси" каби беллашувлар ўтказилгани ҳам фикримиз далилидир.

Фундаментал фанлар факультети, касбий таълим йўналиши 1-курс талабаси Муҳайё Зоитова, иқтисод ва бошқарув факультети, менежмент йўналиши 3-курс талабаси Хуршида Ғуломхўжаева, радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение факультети талабаси Манзура Равшановалар "Иқбол" ғолибалари сифатида тан олинишди.

Б.БОТИРОВ

ИСТЕЪДОД БЕЛЛАШУВДА БИЛИНАДИ

ХОРИЖДА ЎҚИШ ҚИЙИН ЭМАС

шунингдек сиз мусофирликда яшаш, йўл харажатлари, вақт тақчиллиги, ёшингиз катталиги, айрим нуқсонларингиз борлиги ва бошқа муаммоларни ҳам ўйлаб, бош қотириб ўтирмайсиз

Masofaviy ta'lim

Ҳозирда ривожланган мамлакатларнинг барчаси "технократик билимдонлик" ҳисобига юксак тараққиётни такомиллаштириш изидан бораётир. Бунинг сабаби бежиз эмас. Чунки, кам меҳнат, кам ишчи кучи, кам вақт сарфлаб кутилган натижанинг юқори самарасини олишгина шиддаткор даврнинг талабларига жавоб бера олади. Бунинг устига хорижда ўқиш, тажриба ва малакаларини ошириш кўпчиликнинг орзуси. Сиз ҳам Ўзбекистонда бўла туриб, ўзингиз хоҳлаган вақтда, иш ва ўқишларингизни бажариб, иссиқ-қина уйда, қайноққина чойдан ҳўплаганча, компьютер қаршисида ўтирганингиз ҳолида АҚШнинг Мериленд ёки Линкольн университетлари талабаси бўлишни хоҳлайсизми? Бунинг учун сиз мусофирликда яшаш, йўл харажатлари, ҳар хил ҳужжатларни тўғрилаш каби минг бир муаммони ўйлаб бош қотиришингизга сираям ҳожат йўқ. Фақатгина бутун дунёда таълимга ахборот-телекоммуникация технологияларини жалб қилишнинг энг илғор намунаси бўлган масофавий таълим тўғрисида тушунчага эга бўлсангиз кифоя. Яъни, интернетдан фойдаланишингиз жараёнида сиз таълим олиш имкониятига эга бўласиз. Бунда талабанинг ташқи кўриниши, турли хил ногиронлик белгилари, вақт масаласи, иқтисодий танқислик каби тўсқинлик қилувчи жиҳатлар ўз аҳамиятини йўқотади. Шунинг учун бўлса керак бугунги кунда масофадан туриб таълим олувчилар ичида энг кўп миқдорни иқтисодий билимларга қизиқувчилар ёки бўлмаса иқтисод йўналишида ўқиганлар ташкил этмоқда. Нима бўлганда ҳам улар ҳамма нарсани: пулни ҳам, вақтни ҳам, куч-ғайрат ва умрни ҳам иқтисод қилишни яхши билишадида! Шу ўринда масофавий таълимнинг яна бир афзаллик томонига тўхталиб ўтишимиз жоиз. Олинган маълумотларга кўра, республикамиздаги таълим олувчилар асосан 25 ёшгача ўқув юртларига ҳужжат топширар экан. Бу пайтда ҳам ёши "каттарок"лар ўзларидан "кичик"лар билан ўқишга ор қилганларидан бўлса керак, улар сиртқи бўлимларда таҳсил олишни ўз "қисмат"лари деб билишади. Айни ана шу ҳолатда ҳам масофавий таълим бу каби психологик қарашлар эвазига юзага келадиган муаммоларни ҳал этишда асқотади ҳамда у билим олувчини маълум бир жой ва вақтга "михлаб" қўймайди. Худди шундай замоннинг тезкор сўроқларига "лаббай" деб жавоб беришнинг бир усули бўлган масофавий ўқитишнинг "ҳузурини" билган, ўқув юртларида бу тарзда ўқиётганг сони борган сари ошиб бормоқда. Хусусан, Монреал университетининг анъанавий тарзда билим олувчи талабаларидан кўра, ахборот технологиялари орқали ўқийдиганлар бир неча марта кўпчиликни ташкил қилади. Фактларга суянадиган бўлсак, мазкур ўқув даргоҳида анъанавий, яъни, кундузги бўлимда таҳсил олувчилар 30 минг киши бўлса, масофадан туриб ўқувчи талабалар сони 160 мингдан ошиқ. Шу ўринда фикрларимизнинг қуруқ гап эмаслигини исботлаш мақсадида масофадан туриб таълим олаётган талаба Нодир Мирзаевга юзландик.

(Давоми 2-бетда)

Bilasizmi, biz ota-onalar farzandlarimizning sog'lig'i haqida qachon qayg'uramiz? Afsuski, aksariyat hollarda ular kasal bo'lgandagina.

Masofaviy ta'lim o'qiyman degan kishiga o'zi xohlagan darajadagi afzalliklarni yaratib berishi bilan boshqa ta'lim usullaridan keskin ustunlik qiladi.

Yurtimiz yangiliklari

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚИ ҲИМОЯДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигида "Ривожланаётган мамлакатлар учун ISO (сертификатлаштириш бўйича халқаро ташкилот) дастури" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

ҚИШЛОҚДА СТАДИОН ҚУРИЛДИ

Тайлоқ туманининг Адас қишлоғида 47 кун ичида стадион барпо этилди. 2200 ўринга мўлжалланган мазкур стадионда ҳамма қулайликлар мавжуд. Мазкур стадион қишлоқ ёшларининг, мактаб ўқувчиларининг севимли масканига айланиши, шубҳасиз.

АНЖУМАН

Республика "Маънавият ва маърифат" марказида мамлакатимизда "Обод маҳалла йили"да амалга оширилиши лозим бўлган маънавий - маърифий ишлар тарғиботи билан боғлиқ ишлар муҳокама қилинди.

"МУСТАҚИЛЛИК"НИНГ ҲАЙРЛИ ИШЛАРИ

Андижон туманидаги "Мустақиллик" фермер хўжаликлари ўтган 10 йил мобайнида кам таъминланган оилаларга, шунингдек мактаб ва болалар боғчаларига 188 миллион сўм миқдорида бекараз ёрдам кўрсатди.

Фермер Ҳабибулло Маҳсумов барпо этган иккита мактаб ва меҳрибонлик уйига кўрсатилган 2 миллион 250 минг сўмлик моддий ёрдам шулар жумласидандир.

ТАНЛОВ

Навоий маданият ва санъат коллежида ўқувчи қизларнинг "Онам кўрсин камолимни" деб номланган кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда қурилиш коллежи ўқувчиси Гулнора Қораева ўзи ёқтирган соҳани нечоғли мукаммал эгаллагани ва ҳаётий қарашлари, ақлу заковати ва маънавий дунёқарашини номоён этиб, биринчи ўринни эгаллади.

ЯНГИ САЙТ

Тошкентдаги "Яшаш муҳити" ахборот маркази томонидан IREX ҳалқаро ташкилоти кўмагида интернет тармоғида "Орол белгиси остида" номли янги сайт очилди.

Маҳаллий матбуот хабарлари асосида тайёрланди.

БОЛАНГИЗ ТИББИЙ КЎРИКДАН ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА?

ёхуд мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактабларида 2—11-синф ўқувчиларининг чуқурлаштирилган тиббий кўригини ташкил этиш ва ўтказиш хусусида

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Айни пайтда республикамизда муваффақиятли амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи олдимизга мамлакатимиз таълим тизимининг барча соҳаларидаги фаолиятнинг сифат самарадорлигини ошириш вазифасини қўйган экан, уни тўлақонли бажариш воситаларидан бири мактаб ўқувчиларига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва такомиллаштириш, ўқувчилар саломатлигининг сифат ўзгаришларини мунтазам кузатиб боришни ҳам тақозо этади.

Бугунги кунда деярли барча таълим муассасаларида тиббий хизмат кўрсатиш масаласи йўлга қўйилган бўлишига ҳамда амалиётчи тиббий ходимларнинг ўз фаолиятларини тўғри ташкиллаштириши бўйича қатор меъёрий ҳужжатлар ва услубий ишланмалар тайёрланиб, жойларга етказилганлигига қарамай, бу соҳада ҳали-ҳануз долзарб масалалар, бир қатор муаммолар йўқ дея олмаймиз. Жумладан, умумтаълим мактабларида бугунги кунда таҳсил олаётган 2-11-синф ўқувчиларини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш жараёни ҳам янгича, масъулиятлироқ ёндошувни тақозо этмоқда. Маълумки, республика ҳудудидаги барча умумтаълим мактабларининг 2-11-синф ўқувчилари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида тиббий хизматни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида"ги буйруғи асосида ҳар йили мунтазам равишда чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб келинмоқда.

Бундай тиббий кўриклар бевосита соғлиқни сақлаш тизимининг ҳудудий поликлиникаларида фаолият кўрсатаётган малакали мутахассислар, мактаб педиатр шифокорлари ва ҳамширалари ҳамда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис Марказлари шифокорлари билан узвий ҳамкорликда амалга оширилаяпти.

— Фарзандларимизни тиббиёт муассасаларида эмас, балки мактабларда тиббий кўрикдан ўтказишдан мақсад нима?

— Биласизми, биз ота-оналар фарзандларимизнинг соғлиғи ҳақида қачон қайғурамиз? Афсуски, аксарият ҳолларда улар касал бўлгандагина. Бошқа пайтда эса, уларни чуқур тиббий кўрикдан ўтказишни ўйламаймиз ҳам. Ваҳоланки, зурриёдларимиз болалар шифокори ҳузурида ҳар йили мунтазам равишда текширилиб турилмоғи лозим. Шу боисдан ҳам мактабларда ўқувчиларнинг тиббий кўригини ташкил этиш ва ўтказишдан асосий мақсад нафақат бемор ўқувчиларни аниқлаш ва уларни соғломлаштириш ишларини олиб бориш, балки улар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган барча турдаги касалликларнинг олдини олиш борасидаги ишлар кўламини кенгайтириш ва кучайтириш, бу борада маълум бир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, санитария-гигиена ишларининг самарадорлигини ошириш, ҳар бир ўқувчи онгида соғлом ҳаёт тарзи кўникмаларини шакллантириб боришдан иборат бўлмоғи лозим.

— Карима опа, маълумки, ўқувчиларнинг тиббий кўригини ташкил этиш ва ўтказишда болалар шифокори ҳамда мактаб ҳамшираларининг ўрни алоҳида. Шу ўринда уларнинг асосий вазифаларига тўхталсангиз.

— Соғлиқни сақлаш вазирлигининг юқорида қайд қилинган буйруғининг иловасида мактаб ўқувчиларига даволаш-профилактик ёрдам кўрсатувчи болалар поликлиникасининг педиатр шифокори тўғрисидаги Низом келтирилган бўлиб, унда шифокорнинг ўқувчиларнинг тиббий кўригини ўз вақтида ташкил этиб ўтказиш; бошқа йўналишдаги шифокорлар билан ҳамкорликда ҳар бир ўқувчининг соғлиги тўғрисида хулосалар бериш; жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун ҳар бир болага тиббий гуруҳини аниқлаб бериш ва тиббий-соғломлаштириш тадбирларини белгилаш; ўқувчилар тиббий кўриги натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида тегишли соғломлаштириш ишларининг ташкил этиш; касб-ҳунарга йўналтириш ишларини индивидуал равишда ҳар бир ўқувчининг соғлигига қараб ташкил этилишини назорат қилиш; синфдан-синфга кўчириш ва битирув имтиҳонларидан озод қилинадиган ўқувчилар тўғрисидаги ҳужжатларни тегишли комиссияларга тайёрлаб бериш; мактаб амбулатория қабулини ўтказиш ва заруратга қараб тиббий ёрдам бериш; диспансер гуруҳидаги болаларнинг соғломлаштирилишини назорат қилиб бориш; поликлиника ва мактаб маъмуриятига ўқувчилар соғлиги тўғрисида, айниқса эпидемиялар пайдо бўлаётганини зудлик билан етказиш; йўл ҳаракати ҳодисаларидан кейин нима чиқади, биласизми?

Болалар: Чиройли камалак чиқади.

Тарбиячи: Ҳозир сизнинг камалакнинг рангларини қанчалик билишингизни синаб кўрамиз. Бунинг учун сиз ранглар (кўз) хонасидан ўтишингиз керак. Ҳар бир гуруҳдан битта вакил даврага чиқсин.

Вакиллар чиққач, уларга махсус тахтачага етти хил рангли лентани кетма-кет қўйиб, камалакни тасвирлаш топширилди. Ўртоқларининг олқишлари остида кичкинтойлар ишга киришиб кетишди. Ленталарни олдин камалак кўринишида илиб берган "Донолар" гуруҳи аъзоси хурсанд ҳолда жойига ўтирди.

Тарбиячи: Энди расмларга эътиборингизни жалб қилинг. Мана бу суратда мазмунан бир хил нарсалар тасвирланган, аммо ичида буларга мос келмайдиган битта тасвир бўлади. Сиз мана шуни ажратиб кўрсатишингиз керак.

Шундай қилиб ҳайвонлар тасвирланган расмда мева ёки ўқув қуроллари бор жойда эса уй ҳайвони каби жумбоқли расмларни кўрган жажжилар хатоликни дарров англаб, тезкорлик билан жавоб беришди. Шундан сўнг уларнинг олдига пала-партиш қотларидан ўтказилади.

Низомда диспансеризация натижалари бўйича олиб борилган соғломлаштириш ишларининг сифати йилига 2 марта таҳлил қилиниб, тиббий кўрикнинг самарадорлиги болалар ўртасида турли юқумли, респиратор касалликларнинг камайишида ўз аксини топиши белгилаб қўйилган. Умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган барча 2-11-синф ўқувчиларининг тиббий кўрик билан қамраб олиниши "Соғлом авлод учун" давлат дастури тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш омилларидан бўлиб, бу ишда мактаб раҳбарияти, педагогик жамоалар, ота-оналар ва ўқувчиларнинг ўзлари фаоллик кўрсатмоқлари лозим.

Шу ўринда таъкидламоқ жоизки, ҳар бир туман (шаҳар) халқ таълими бўлими таркибидаги ташхис Марказлари тиббий ходимлари ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришга мутасадди вилоятлар халқ таълими бошқармалари қошидаги, Республика ташхис Маркази тасарруфидаги вилоят ташхис Марказлари раҳбарлари мактаб ўқувчиларининг соғлигини, тиббий кўрикда касал, деб топилган болаларни соғломлаштириш ва шу йўналишдаги ишларни такомиллаштиришга бевосита масъулдирлар.

Тиббий кўрик якунлари туман (шаҳар), вилоят соғлиқни сақлаш ва халқ таълими бўлимлари ҳамда бошқармалари Кенгашларида кенг муҳокама этилиши, касал деб топилган ўқувчиларни соғломлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш лозим.

Ўқувчиларнинг чуқурлаштирилган тиббий кўригини мунтазам ўтказиб бориш давлат сиёсати даражасидаги масала эканини чуқур англаш хамда уни юксак масъулият асосида ташкил этиш ва ўтказиш барчамизнинг вазифамиздир. Зеро, соғлом ақл соғлом тандагина бўлишини унутмаслигимиз керак.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат.

Нурлан УСМОНОВ суҳбатлашди.

ХОРИЖДА ЎҚИШ ҚИЙИН ЭМАС

шунингдек сиз мусофирликда яшаш, йўл харажатлари, вақт тақчиллиги, ёшингиз катталиги, айрим нуқсонларингиз борлиги ва бошқа муаммоларни ҳам ўйлаб бош қотириб ўтирмайсиз

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Мен ҳозирда ўз хизмат ишимни ва илмий ишимни бажараётган бўлсамда, бир пайтнинг ўзида Малайзиянинг Марказий университети талабаси ҳам ҳисобланаман. Бу жараёнда техника йўналишида билим олиб, у ердаги профессорлар билан тўғридан-тўғри мулоқот орқали ёки ёзма саволлар бериш билан маълумотлар банкимни бойитаяпман. Самарали томони — бундай имкониятга бир пайтнинг ўзида жуда кўплаб ўқувчилар эга бўлиши мумкин. Ва ниҳоят, режадаги билимлар эгалланиб, топшириқлар жавоби олингач, талаба қайси университетда ўқиётган бўлса, ўша даргоҳнинг сертификат ёки дипломларини қўлга киритади.

Юқорида келтирган таърифларимизда масофавий таълимнинг сифатли, арзон ва қулай ўқиш усули эканлигини англаб етган бўлсангиз керак. Албатта, айни дамда ривожланиш ва тараққиёт палласида бўлган Ўзбекистон таълим тизими ҳам мураккаб технологик воситаларни ўқитиш жараёнига жалб қилишга катта эътибор қаратмоқда. Шунингдек, масофавий ўқитишни жадаллаштириш учун керакли бўлган техник муҳит ҳам имкон қадар кенгайиб бораяпти. Олайлик, ҳозирда 8 та олий ўқув юртида масофавий ўқитиш марказлари очилиб, университетлараро ўқув ишлари амалга ошириляпти. Кўпчилигимиз китобларини ўқиб, билим ва тажрибалари юксак бўлган олимлар, профессор-ўқитувчилар ҳақида эшитиб, уларнинг маърузаларини тинглашга, илм хазинасидан баҳраманд бўлишга иштиёқманд бўламиз. Бу пайтда ҳам университетлардаги масофавий ўқитиш марказларида ташкил қилинаётган видеоконференциялар "ёрдамга келади".

Ўрни келганда масофавий таълим турлари ҳақида Тошкент ахборот технологиялари университети катта ўқитувчиси Хуршид Султоновнинг маълумотларини келтириб ўтамиз.

— Масофавий таълимнинг икки турини фарқлаймиз. Биринчиси синхрон усул. Бунда иккала томон ҳам интерактив мулоқотда бўлиб, видеокўприк — видеоконференция орқали дарс жараёни олиб борилади. Яъни тўғридан-тўғри кўриш, эшитиш, савол-жавоб қилиш бир пайтнинг ўзида амалга оширилади. Асинхрон усулга эса электрон почта орқали вазифаларни юбориш, маърузалар ва бошқа маълумотларни олиб ўқиш, электрон кутубхона, илмий тадқиқотлар базасига таяниш кабилар киради.

Гувоҳи бўлганингиздек, мамлакатимиз таълим жараёнида масофавий ўқитиш бўйича олий ўқув юртларида зарур тажрибалар тўпланаяпти. Яқинда ёшларга билим олишнинг бу янгича усули ҳақида кенгроқ тушунчалар бериш мақсадида "Бунёдкор" ёшлар телеклубида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан "Ахборот технологиялари ва масофавий таълим" мавзусида анжуман ўтказилди. Хусусан, унда иштирок этган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдушукур Абдуллаев масофадан туриб олган таълим сифати анъанавий тарздагисидан кўра камроқ эмасми? дея берилган саволга қуйидагича жавоб берди:

— Ҳозир хорижий давлатлардаги нуфузли университетларда кундузги бўлим талабаларидан кўра, масофавий таълим йўналишида билим олаётган талабалар сони бир неча марта ошиб кетди. Чунки, масофавий таълим ўқийман деган кишига ўзи хоҳлаган даражадаги афзалликларни яратиб бериши билан бошқа таълим усулларидан кескин устунлик қилади. Масофавий таълим сифатининг юқори бўлишида эса талабалар катта тажрибага эга бўлган педагог олимлардан таҳсил олишларини ва замонавий жаҳон ахборот ресурсларидан унумли фойдаланишларини кўришимиз мумкин. Энди, "назоратсиз таълим" ўқишга бўлган масъулиятни сусайтирадику, деган фикрга келадиган бўлсак, аксинча, талаба мустақил ҳолда ҳам мукаммал билим олиши мумкин. Чунки, бугунги кунда ривожланган таълим меъёрлари ўқувчига ҳамма билимларни тайёр ҳолда беришни эмас, балки, унинг ўзининг кўпроқ ишлашини, изланишини тақозо қилади. Қолаверса, мажбуран сингдириладиган билимлар эндиликда ўзини оқлолмасдан, янги педагогик технологиялар ортида қолиб кетаяпти. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш ўринлидир. Масофавий ўқитиш фақат ва фақат билим олувчилар ва унга интилувчилар учун мўлжалланган таълим туридир. Чунки, "бир амаллаб диплом ёки сертификат олсам бўлди", деган хаёлда бўлгувчилар масофавий таълим босқичларидан ўта олмайдилар.

Масофавий таълим борасида уюштирилган бу каби тадбирларда қизиқувчиларга берилаётган тушунчалар албатта, ўқитишнинг бу усули таълим тизимимизда кенг миқёсда ўрин топишига хизмат қилади. Ўйлаймизки, масофавий таълим ахборот технологиялари асрида Ўзбекистонда ҳам илмфан ривожи учун имкониятлар эшигини очади.

Насиба ЭРХОНОВА, "Ma'rifat" мухбири

БИР МАКТАБ ХАБАРЛАРИ

Яқинда Ғаллаорол туманидаги 57-умумий ўрта таълим мактабининг 10-11-синф ўқувчиларидан 8 нафари вилоят босқичида ўтказилган "Аждодларимиз мероси — бой тарихимиз рамзи" кўрик-танловида иштирок этиб, фахрли III ўринни эгалладилар.

Бу ўтказилган тадбир ўқувчиларимизнинг маънавий бойлигини оширишга, аждодларимиз тарихини янада чуқур ўрганишига туртки бўлди.

Ўқувчиларимиздан 11-синф ўқувчиси Фарида Бердимуродова, Холниса Усмонова, 10-синф ўқувчиларидан Шаҳноза Жонизоқова, Саодат Синдорова, Нарзулла Мамадалиевлар тадбирда фаол иштирок этдилар.

Ўқитувчиларимиздан тарих ва ҳуқуқ фани ўқитувчилари С.Ҳайитбоев, С.Синдоров, А.Рустамовлар ўқувчиларимизнинг олган ўринларидан фахрланиб, уларни самимий қутладилар. Илм чўққиларини забт этишида зафарлар тилади.

* * *

Мактабимизнинг "Парвоз" гуруҳи туманда ўтказилган "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловида қатнашиб, фахрли I ўрин эгаси бўлди.

Ўқувчиларимиз бу танловда ҳам ўз билимларимизни янада бойитдик деб, устозларига ўз миннатдорчилигини билдиришди.

Танловда қатнашган 9-синф ўқувчиси Шерзод Мамадалиев, 10-синф ўқувчиси Мансур Маматов, 11-синф ўқувчиси Лола Ҳамдамовалар келажакда етук мутахассис бўлиш учун ҳар йили бу танловда қатнашмоқдамиз дейишади.

"Таълим ишлари яхши йўлга қўйилгани боис ҳар икки танловда ҳам мактабимиз фахрли ўринларга эга бўлмоқда", дейди мактаб директори Н.Ҳожимуродов.

С.ХОЛБЎТАЕВ, мактаб маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик муҳандислиги билим юртида дастлаб танкчилар, тайёрланган бўлса, 1976 йилдан автомобил муҳандислари, 1993 йилдан эса 9 йўналиш бўйича мутахассис етишиб чиқмоқда.

Мазкур билим юртида дарс ва амалий машғулотлар қониқарли даражада ўтказилади. Ҳар бир хона замонавий ўқув жиҳозларига эга. Спорт зали, маданият саройи, 152 минг китобга эга кутубхона курсантлар ихтиёрида. Улар намунали таълим машғулотлари билан бирга кўнгилдагидек маданий хордиқ чиқаришлари учун ҳам қулай шароит мавжуд.

Курсантлар Ҳамид Мингқулов, Фарҳод Шарипов, катта лейтенант Мансур Мамадалиев, капитанлар Акром Рустамов ва Ульян Тефомеев ушбу даргоҳнинг фахри ҳисобланади.

Суратда: Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик муҳандислиги билим юрти ҳаётидан лавҳа.

Тоҳир Норқулов (ЎзА) олган сурат.

Maktabgacha ta'lim muassasalarida

РУҲШУНОС МАШҒУЛОТИДА БЎЛГАНМИСИЗ?

Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳридаги 9-сонли "Гўзал" боғча-мактаб мажмуаси амалиётчи-руҳшуноси, олий маълумотли психолог А. Фадеев машғулотларда турли босқичларда ҳар бир боланинг ҳар томонлама руҳий ташхиси белгиланиб, унинг қобилияти, шахс сифатида шаклланиш босқичлари тадқиқ этилади. Бу жараёнлар бўйича чинакам мониторинг олиб борилади. Руҳий ташхис бўйича олинган амалий натижалар асосида руҳшунос, тарбиячи, кейинчалик ўқитувчи ўртасида мувофиқлаштирилган ҳамкорлик ўрнатилади. Ҳар бир кичкинтойнинг руҳий ривожланиш даражалари ҳисобга олинган ҳолда шахсий, тафовутлаштирилган ёндошув амалга оширилади. Бу ишда ота-оналарнинг ҳам иштироки муҳимдир. Улар ташхис ва мувофиқлаштирилган натижалардан хабардор этиб борилади, фарзанди билан уйда ишлаш бўйича руҳшунос маслаҳатини оладилар. Шу билан бирга, бола шахсининг ҳар томонлама, гармоник ривожланишида унинг шахсий, ички фаоллиги, мустақиллик даражаси ҳам катта ўрин тутади.

Бу машғулотлар кўп ҳолларда ўйин, баъзан гуруҳлараро мусобақа шаклида ўтказилади. Бундай тадбирлар болада ўзи ҳақида, ўз ютуқ ва камчиликлари ҳақида муайян тасаввур уйғотади. Натижада бола ўз ички муаммолари, тушкунлик ҳолатларини ўзи ҳал этиш, бошқаларни, хусусан катталарни ва тенгқурларини тушуниш имкониятига эга бўлади, рақобатли дунёда ўз ўрнини осонроқ топади, воқеа-ҳодисаларга тез кўникади. Болалар буни яхши англашгани учун ҳам машғулотларга чин дилдан, қизиқиб қатнашмоқдалар. Боғча-мактаб муассасасида бу борада ўзини оқлаган, анъанага айланиб бораётган тажрибаларни амалга ошириш учун баҳоли қудрат имконият яратилмоқда. Ана шундай машғулотлардан бирини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Машғулот юқорида таъкидлаганимиздек, гуруҳлараро мусобақа тарзида бўлиб ўтди. Иштирок этаётган болажонлар иккита гуруҳга бўлинишиб, ўз гуруҳларига ном танладилар. "Зукколар" ва "Донолар". Уларнинг фаолликларини баҳолаб бориш учун ҳакамлар ҳайъати тузилиб, шундан сўнг тарбиячи баҳсни бошлади.

Тарбиячи: Болажонлар бугун биз сиз билан илм ва тафаккур ўлкасига саёҳат қиламиз. Бу ўлкага ета олган болалар "Илм шаҳзодаси" ва қизларимиз эса "Билим маликаси" унвонига сазовор бўлишади ҳамда келажакда барча тенгдошлари ҳавас қиладиган инсон бўлиб етишади. Аммо, саёҳатимиз давомида сизларга турли ёмон ниятли кишилар, қийинчиликлар, тўсиқлар учрайди. Мана шу машаққатларни ортда қолдирганларгагина унвон насиб этади. Ана шундай ёруғ йўлга бошловчи "Илмлар мамлакати"га боришга тайёрмисиз?

Болалар: Ҳа, тайёрмиз.

Тарбиячи: Унда кетдик. Бироқ бу йўлга отланишдан олдин биз ўз мамлакатимиз ҳақида шеърлар, қўшиқлар айтиб беришимиз керак. Қани кимдан бошлаймиз.

Шундан сўнг болажонлар бирин-кетин шеърлар, қўшиқлар айта бошлашди. Гуруҳларда кимўзарга шеър айтиш якунлангач, тарбиячи уларни олқишлаб, кейинги шартларга ўтди. Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг бир-биридан қолишмасдан, тенг ҳисобда эканлигини билдирди.

Тарбиячи: Болалар, ёмғирйўлимизда Ёқмасвойдек кишилар учраб туради, деб. Ҳечқиси йўқ, асосийси унинг гапига кирмаганингиз.

Болажонлар, энди сиз билан ҳидлар хонасидан ўтамиз. Бурнингизнинг фаоллиги қай даражадалигини мана шу хона орқали биламиз. Мана шу идишчаларнинг ичида нима борлигини ҳидидан сезиб, айтиб беришингиз керак.

Ҳар бир болага махсус идишчалар берилди. Болалар ўзларига берилган саволга қулупнай, пиёз, уксус, хлор, лимон, лак бўёғи кабиларнинг ҳиди экан, деб жавоб беришди. Охирида Надя исмли қизалоқ идишдаги нарсани ҳеч нимага ўхшатолмадим, деган эди, ўқитувчиси тўғри, чунки бунинг ичида ҳеч нарса йўқ, деб жавоб берди.

Шундай қилиб машғулот иштирокчилари Овоз (қулоқ) пайпаслаш (қўллар), таъм билиш (оғиз) каби яна учта хонадан ўтишди. Иккала гуруҳ ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлаган ҳолда, билимларининг тенг эканлигини исботлашди.

Уларга ҳакамлар ҳайъати томонидан "Илм шаҳзодаси" ва "Билим маликаси" унвонлари берилиб, зиёлиларга хос бўлган қора қалпоқ кийдирилди. Бўйинларига эса "медаллар" тақиб қўйилди. Буларни кўрган болажонларнинг қанчалик қувонганини бир кўрсангиз эди.

Ўйлаймизки, А. Фадеевнинг бу каби машғулотларини ҳар бир психолог, нафақат психолог балки тарбиячилар ҳам шу тарзда ёки озроқ қўшимчалар, ўзгаришлар киритган ҳолда ўтказиб борсалар, натижада болаларнинг ташкилотчиликлари ҳамда ўзларига бўлган ишончлари ортади.

Назокат ХОЛМЕТОВА, "Ma'rifat" мухбири

Milliy istiqlol g'oyasi

Изоҳли тажрибавий луғат

Мустақиллик туфайли мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ва умуминсоний қадриятларга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат қуриш ислоҳотлар орқали босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Давр Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, пировард мақсадларга етишиш, ҳар бир ватандошимиз онги ва қалбида миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳияти тўғрисида тушунча ҳосил қилишни долзарб вазифалардан бирига айлантирди. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, "Эндиги асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончи ортиб боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқлардан, қулликдан қутилмаса, инсон тўла озод бўлмайди".

Юртбошимиз Ислом Каримов "Жамиятимиз мафкураси халқнихалқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин" ("Тафаккур" журнали бош муҳаррирининг саволларига жавобларида, 1998), "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" (тарихчи олимлар билан суҳбатида 1998), "Ҳушёрликка даъват" (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига жавобларида, 1999), "Миллий мафкура — давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи" (2000), "Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир" ("Фидокор" газетаси мухбири саволларига жавобларида, 2000) ва бошқа бир қанча асар ҳамда маъруза, нутқ, мақолаларида миллий истиқлол ғоясининг олий мақсадини муфассал тушунтириб берган эди. Уларда барпо қилинаётган жамиятга янги ғоя, янги мафкура зарурлиги асослаб берилган, мафкурада бўшлиққа йўл қўйиб бўлмаслиги, ҳозирги пайтда рўй бераётган айрим салбий ҳолатлар мафкуравий бўшлиқ туфайли содир бўлаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Ана шу аснода "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласи яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича республика мувофиқлаштириш комиссияси" кенгайтирилган мажлисининг 2000 йил 30 сентябрдаги "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини узлуксиз таълим тизимига жорий этиш тўғрисидаги қарорига кўра, 2000 — 2001-ўқув йилининг иккинчи чорагидан эътиборан, умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқув режасидаги 7-9-синфлар учун "Маънавият асослари" ўрнига "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" ўқув фани жорий этилди. 2000 йил 9 октябрда Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари бу масалани яна кўриб чиқиб, уни ҳаётга жорий қилиш учун зарур ишларни белгилаб олди. 2001 йил 18 январда Ўзбекистон Президентининг "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида"ги Фармойиши қабул қилинди.

Галдаги вазифа, биринчидан, миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини янада чуқурроқ, мукаммалроқ шакллантириш, иккинчидан, миллий ғоя ва миллий мафкурани жамият аъзолари онги ва қалбига сингдириш, мустақил эътиқодига айлантиришдан иборатдир.

Мана шу долзарб вазифаларни амалга ошириш ижтимоий-гуманитар фанлар вакилларининг зиммасидадир. Ўтган йили Республика Фан ва технологиялар маркази, Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти томонидан тайёрланган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқача изоҳли тажрибавий луғат)" фалсафа фанлари доктори, профессор Қ. Назаров, фалсафа фанлари номзоди, доцент А.Очилдиев масъуллигида "Янги аср авлоди" нашриётида чоп этилди. Луғатга А.Тошхўжаев ва М. Қаршибоев муҳаррирлик қилишган. Луғатни "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" ўқув фани бўйича махсус Методологик комиссия тавсия этган. Унда миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини тўлароқ очишга, мафкуравий тарбияни тўғри ташкил этишга хизмат қиладиган ва шу соҳада тез-тез ишлатиладиган баъзи тушунча, тамойил ва атамаларга қисқача изоҳлар берилган. Сўз- бошида таъкидланганидек, мустақиллик йилларида ушбу соҳада эришилган тажрибаларни уйғунлаштиришга ҳаракат қилганлар. Луғатга киритилган айрим атамалар, иборалар луғавий маъноси, ифодаланиши, бугунги ҳолати нуқтаи назаридан тавсифланган.

Албатта, луғатда миллий истиқлол ғояси ва мафкураси тушунчасига тааллуқли бўлган барча иборалар ва атамалар, тамойиллар тўлиқ қамраб олинмаган. Шу боис, ушбу луғат юзасидан баъзи бир истак ва таклифларимизни билдиришни лозим топдик.

Биринчидан, қисқа изоҳли тажрибавий луғатнинг адади кам, атиги 15 минг нусха. Ҳозирги талабни ҳисобга олган ҳолда, луғатни қайта нашр этишни таклиф этардик.

Иккинчидан, мазкур луғатни қайта чоп этишда қуйидаги фикр-мулоҳазалар ҳисобга олинса, фойдадан холи бўлмасди.

Файласуф, сиёсатшунос, тарихчи ва педагоглардан ташқари, бошқа ижтимоий-гуманитар фан вакиллари ҳам бу ишга жалб этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Луғатда кенг халқ оммаси учун тушунилиши қийин бўлган идеологизация, деидеологизация, реидеологизация, ғоявий тарбия воситалари, услублари, соғлом мулоқот сингари атамалар киритилиб, изоҳлар берилса, нашрнинг тушунарлилиги янада ошарди.

Умуман, "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқа изоҳли тажрибавий луғат)"и жамиятимизда истиқлол мафкурасини чуқурроқ сингдириш, халқимиз онги ва эътиқодига айлантириш борасида қимматли қўлланмадир. Мазкур қўлланма "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани профессор-ўқитувчилари, мураббийлар, файласуф, сиёсатшунос, тарихчи, педагог, шунингдек, талабалар, ижтимоий-гуманитар, табиий фан мутахассислари, қизиқувчилар учун дастурул амал бўлиб қолади.

Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, фалсафа фанлари доктори, профессор,
Турсунбой СУЛТОНОВ,
Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети доценти, фалсафа фанлари номзоди

АҚШ тан олган ўзбек муҳандиси

Faxr

Ўзбек олими Анвар Зоҳидов Американинг "Йилнинг энг яхши муҳандиси" мукофоти совриндори бўлди. Ушбу мукофот Анвар Зоҳидов билан бир қаторда илм-фан ривожига ҳисса қўшган 14 нафар Осиёлик олимларга ҳам насиб этди.

Анвар Зоҳидов айни пайтда АҚШнинг етакчи илмий марказларидан бири — Даллас шаҳрида жойлашган Техас штати университетида илмий фаолият билан машғул. Ушбу университет аниқ фанлар, телекоммуникация, алоқа ва ахборот технологиялари соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш маркази ҳисобланади.

Профессор А.Зоҳидов Техас штати университети ҳузурида Нанотехнология институтига асос солган. Бу илм-фан ва технология соҳасида давлатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

Tanlov

Журналистга энг катта рағбат — ёзганини эътироф этиш. Бу уни яна ёзишга ундайди. "Ma'rifat" газетаси ҳам ўз саҳифаларида эълон қилинган сара журналистик материалларни ойда бир марта эътироф этиб келаяпти. 2003 йил февраль ойи мобайнида доимий танловимизнинг 5 та номинацияси бўйича ғолиб бўлганларни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз. Улар билан танишиб, материалларини ўқиганда олган таассуротларингиз эсингизга тушса, ажабмас.

УЛАРДАН ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ

*1. Энг яхши саҳифа — номинацияси бўйича ғолиб 26 февралда берилган **Ш.Қурбоновнинг "Узоқни кўзлаб"** деб номланган саҳифаси.*

*2. Энг яхши мақола — 8 февралда берилган **А.Обиддиновнинг "Йўқни бор, борни йўқ қилаётганлар"** мақоласи.*

3. Энг яхши интервью — 26 февраль сонида чоп этилган Ҳ.Тўймановнинг "Сиёсий партия ва жамият: уларга муносабат қандай?", деб номланган суҳбати.

*4. Энг яхши сурат — **Б.Ризоқуловнинг "Қувноқ стартлар"** мусобақасидан олган лавҳалари (2003 йил 8 февраль сони).*

*5. Энг яхши янгилик — **М.Исроиловнинг "Интернет ногиронларга"**, деб номланган янгилиги (2003 йил, 5 февраль).*

СИНФДАН ТАШҚАРИ ЎҚИШ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Демак, таълим жараёнида мустаҳкам билим ва кўникмалар шаклланиши ўқувчиларнинг мустақил ўқишлари билан боғлиқ бўлса, маълум босқичда ўқувчилар ёши ва савиясига мос танланган китобларни ўқиб ўрганиш улар билимларини чуқур ўзлаштиришлари учун муҳим восита бўлиб хизмат қилиши аён бўлади.

Мутахассислар таъбирича, мустақил ўқиш ўқувчилар сўз бойлигини оширади, саводхонлик даражасини яхшилайди, нутқини ўстиради ҳамда грамматикадан хабардор қилади. Тўғри танланган китоб ўқувчиларнинг китоб билан муомала қилишларига имкон беради. Бу ўқувчи бирданига китоб мухлиси бўлиб қолади, дегани эмас. Унга китоб ўқишнинг йўл-йўриқларини тушунтиришимиз, китоб ўқишнинг аҳамиятини етказишимиз талаб этилади. Китобхон китоб "ичига кириб", воқеаларнинг бевосита иштирокчисига айланиб борар экан, ўзида ўқишга нисбатан қизиқиш ва ишонч ҳисси шаклланиб боришини ҳис қилиб боради. Таниқли инглиз олими Майкл Уэст таъбирича: "Ўқишни ўқиб, ёзишни ёзиб, гапиришни эса гапириб ўрганилади". Яна шуни уқтириш жоизки, китоб ўқиш инсонга маънавий озиқ бериши билан бирга унинг маданий ҳордиқ чиқаришига ҳам хизмат қилади. Китобхон мутолаа жараёнида маънавий савиясини ҳам ўстириб боради. Албатта, ҳикоями, романми, унда халқ турмуш тарзи, урф-одат, қадриятлари, қисқаси, халқ маданияти ўз инъикосини топган бўлади.

АСАР ҚАНДАЙ ТАНЛАНАДИ?

Ўқувчиларга китобни танлаб, тавсия қилишда қуйидагиларга амал қилмоқ керак. Сиз бутун синф учун бир хил китоб танлайсизми ёки гуруҳларга бўлиб, ҳар бир гуруҳга бир китоб танламоқчимисиз? Имкони бўлса, ҳар бир ўқувчида биттадан китоб бўлгани яхши. Бутун синф ўқувчиларига бир хил китоб танлаганда, китоб ҳаммага баравар етмай қолиш муаммоси пайдо бўлиши мумкин, шуни ҳисобга олиб, бир неча хил китоблар ҳам тавсия қилиниши мумкин. Китоб танлашда ўқувчилар фикрини инобатга олиш, китобхонни руҳлантиришнинг ўрни каттадир. Ўқитувчи ўқувчилар билан кенгашганда китобнинг энг қизиқарли бобларидан лавҳалар айтиб бериши ёки ундан кичик парчани ўқиб бериш ёки китобдаги воқеалар қисқача баёни битилган сўзбоши лавҳани ўқиб бериши, китобхонларнинг қайси китобни ўқишга иштиёқи борлиги билан қизиқиши мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчилар китобни ўқишлари, уни тушунишлари ва ўқиганлари юзасидан мулоҳаза юритишлари, муҳим ўринларини такрорлаб эсда сақлаб қолишлари керак. Китобни ўқишга киришишдан олдин ўқитувчи шогирдларининг китоб ўқиш кўникма ва малакалари шаклланганми ёки шаклланмаганлигини таҳлил қилишлари зарур. Агар шундай малака ва кўникмалари бўлмаса, аввало енгил, қизиқарли, кичик ҳажмли китобларни ўқиб чиқишларини тавсия қилиш керак. Уларга мустақил ўқишнинг мақсад ва вазифалари тушунтирилар экан, қуйидагилар таъкидланади, яъни улар китоб мутолааси ёрдамида ўқишларини ривожлантиради, мазмунини тушуниб, танқидий хулоса чиқаришга ўрганади — ўқувчилар тез ўқиш, кўп ўқиш, ўқишдан завқ олишни ўрганади, мабодо китоб ўқувчилар учун зерикарли бўлса, уни ўқишни тўхтатиш ва бошқа китоб танлаш зарур бўлади. Гарчи асар синфдан ташқари ўқишга мўлжалланган бўлса ҳам, дарс жараёнида китобнинг муҳим ўринларини эслатиб туриш фойдадан холи бўлмайди.

ТЕЗ ЎҚИГАН МАЪҚУЛМИ, Ё...

Китобни қанча вақтда ўқиб чиқиш мумкинлигини, олдиндан чамалаб олган маъқул. Ўқувчи бир минутда 150 сўзни ўқий олса, бир саҳифаси 300 сўздан иборат саксон беш бетли китобни 3 соат атрофида ўқишлари мумкин. Шундай қилиб, ўқувчилар ҳафтасига 30 минутдан ўқисалар, мазкур китобни ўқиш учун 6 ҳафта вақт сарфланади. Агар китоб ҳажми каттароқ бўлса, шунга яраша вақт ҳам кўпроқ ажратилади. Ҳар қайси ўқувчининг ўқиш тезлиги турлича эканлигини ҳам эсда сақлаш керак. Ўқишни узлуксиз тартибли ташкил этиш учун китоб ҳажмига мос равишда қисмларга ажратиш тавсия қилинади ёки 15-20 саҳифадан бўлиб ўрганилади, ўқилганлар ҳафтада бир маротаба назорат қилиб борилади. Агар вақт имкони бўлса, берилган бобларнинг маълум қисми синфда овоз чиқариб ўқилиб, қолганларини уйга топшириқ қилиб ҳам берилиши мумкин.

Ўқишга киришишдан олдин қуйидагилар эслатилади. Танланган китобнинг сўзбошиси билан танишинг, суратлари бўлса кўз югуртириб чиқинг. Ўқитувчи китобдаги қизиқарли воқеалардан бирини ҳикоя қилиб берганда диққат билан тингланг, воқеалар содир бўлган жой харитаси билан танишинг. Агар асар асосида фильм олинган бўлса, ундаги воқеаларни кўз олдингизга келтиринг. Асар муаллифи таржимаи ҳолини билиб олинг.

ЎҚИШ ХУЛОСАСИ — БАЁН

Китобхонлар асарни ўқишлари давомида улар ўқиганларини тушунаётганликларини кузатиб боринг. Агар ўқитувчи вақтдан қизғанса, ҳар бир ўқилган боб юзасидан конспект ёзиб боришни тавсия қилади. Ўқувчилар танланган китобни ўқиб тугатгач, асар юзасидан ҳисобот тайёрлашлари керак. Ҳисобот иншо, мақола, ахборот ва хат кўринишида бўлади. Иншода асардаги воқеалар тафсилоти, улар содир бўлган жой тасвири билан бирга воқеа ҳодисага муносабат билдириши керак. Улар асар бош қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларини ёқлаб ёки қарши фикр билдирадилар. Мақолада асар ҳақида умумий тушунча берилиб, газетхон ёки журнал муштарийсига қизиқарли воқеаларнинг айрим тафсилотлари баён қилиб берилади. Мақоланинг асосий мақсади ўқилган асарни бошқа китобхонлар ҳукмига ҳам ҳавола этишдан иборат. Ахборот эса асар юзасига қарата ёзилган бўлиб, услуби расмий кўринишда бўлади. Хат таниш-билишга ёки хат ёзишадиган ўртоққа қаратилиб, норасмий усулда баён этилади. Ўқувчи асарни ўқиб чиққанидан шеригини хабардор қилади, китобдаги қизиқ, таъсирли, эсда қоларли жойларини ўртоғи билан баҳам кўради ва уни ўқиб чиқишга маслаҳат беради.

ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРНИ СИНАШ УСУЛИ

1. Асардаги қайси қаҳрамонни жуда севиб қолдингиз ёки аксинча жуда ёмон кўриб қолдингиз. Танлов асосида иншо ёзинг.

2. Ўқиб чиққан асарингиз, сизнингча, яна қандай якунланиши мумкин эди? Мулоҳазаларингизни иншо кўринишида ёритинг.

3. Сиз ҳаётда асар қаҳрамонига ўхшаш бирор кимсага дуч келганмисиз? Агар шундай бўлса, улар қайси жиҳатлари билан ўхшашликларини солиштиринг ва айрим фарқларни ҳам кўрсатиб, иншо ёзинг.

4. Ўртоғингиз сиздан ўқиб чиққан асарингиз ҳақида фикр-мулоҳазаларингизни сўраяпти. Сиз китобнинг ўзингизга ёққан ва ёқмаган жиҳатларини кўрсатиб, унга хат ёзинг.

5. Асардаги қайси эпизод синфда баҳс-мунозарага сабаб бўлиши мумкин. Ўқитувчингизга шу ҳақда ахборот ёзинг.

6. Кўплаб машҳур асарлар асосида фильмлар яратилган. Сиз ўқиган асарни ҳам экранлаштирса бўладими? Уни экранга олиб чиқишнинг афзалликлари ҳақида журналга мақола ёзинг.

Азимжон ПЎЛАТОВ,
Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 30-мактаб ўқитувчиси,
халқ таълими аълочиси.

ЯНГИ МАНБАЛАР БИЛАН БОЙИТИЛСА дарс самарадорлиги ошади

Tavsiya

"Миллий истиқлол ғояси" фанини ўқитишда халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган тараққиётнинг ўзбекона ривожланиш услубида бевосита ифодасини топганлигини, мустақиллик, бозор муносабатларини ривожлантириш асосида ривожланаётган республикалар ва бошқа давлатлар, ҳаттоки ривожланган давлатлар тараққиёт моделларидан фарқ қилиб иқтисодий ривожланиш билан биргаликда миллий тикланиш ва социал тараққиётни ҳам белгилаб беришини ўқувчилар онгига сингдиришимиз лозим.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида танланган ва амалга оширилаётган ўзига хос тараққиёт йўли мамлакатдаги сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётни янгилаш иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг бош мақсадидир.

Тараққиётнинг ўзбек модели марказлаштирилган режали хўжалик юритишдан талаб ва таклифга асосланган бозор иқтисодиётига ўтишда ижтимоий ривожланиш қонуниятлари талабларини ҳисобга олган ҳолда эволюцион-тадрижий ривожланиш йўли билан босқичма-босқич ўтишни англатади. Тариҳдан маълумки, иқтисодиёт, умуман ижтимоий ривожланиш революцион сакрашларини, кескин ўзгаришларни ёқтирмайди. Ўзбек моделининг яна бир муҳим жиҳати бошқа мамлакатларда (масалан, Польшада) бўлгани сингари "шоковая терапия" — ижтимоий ларзаларсиз, яъни жамиятни демократиялаштириш ва янги мулкдорлар синфини шакллантиришни аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялаш билан биргаликда қўшиб олиб боришдир.

Буларнинг ҳаммаси Юртбошимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган ислоҳотлар стратегиясининг беш тамойилида ўз ифодасини топган.

Бу тамойиллар мазмунини ёритишда Президентимиз И.А.Каримовнинг асарларидан, нутқларидан ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, унинг тамойилларига амал қилиш жараёнида қабул қилинган Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан кенгроқ фойдаланиш зарур. Жумладан, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлигини ёритишда сиёсий қарашлар ва диний эътиқодларидан қатъий назар барча чет эл инвесторлари ўзларининг инвестициялари билан иштирок этишлари қонун билан белгилаб қўйилган ҳамда республика ҳукумати уларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаётгани мисол тариқасида берилса ўқувчиларга тушунарли бўлади. Бунга биргина солиқ, божхона соҳасидаги чет эл инвесторлари, қўшма корхоналар учун берилган имтиёзларни мисол келтириш мумкин.

Учинчи тамойилнинг мазмуни Ўзбекистондаги барча жамият аъзолари қонун билан ҳимояланганлигини англатади. Барча демократик жамиятлардаги сингари бизнинг республикамизда ҳам жамият ҳаётининг асосини белгилаб берувчи Конституция қабул қилинган бўлиб, барча қабул қилинадиган қонунлар шунинг асосида, уни тўлдирувчи ва қоидаларига мос келувчи қонунлардир. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунларга амал қилиш ҳамма учун мажбурийдир. Қонун устуворлиги бир томондан барча мулк шаклларининг тенг ривожланишига имконият яратиб турли фикрли, қарашлари бир хил бўлмаган жамиятнинг юксалишига хизмат қилади.

Давлат — бош ислоҳотчи тамо-йилини тушунтиришда яқинда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" (24 январь 2003 йил)ги Фармонидан кенг фойдаланиш зарур. Ушбу Фармонда мамлакат иқтисодиётида хусусий сектор ҳиссасини ошириш учун давлатга тегишли бўлган улушлар(акциялар)ни босқичма-босқич хусусий инвесторларга сотиш белгилаб қўйилган.

Шунингдек, кучли ижтимоий сиёсат юритиш тамойилини ёритишда аҳолининг турли қатламлари учун давлат томонидан ажратилаётган моддий ёрдамлар, янги иш ўринлари яратишда Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган давлат миқёсидаги тадбирларни кўрсатиб ўтиш лозим. Жумладан янги авлодни тарбиялаш, уларнинг соғ-саломат, бақувват ва билимли бўлиб ўсишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар. Жойлардаги академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларининг қурилиши, болалар спортини ривожлантиришга берилаётган эътибор кенгроқ ёритилиши лозим. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги (24 октябр 2002 йил) Фармойишининг мақсадларини тушунтириш лозим.

Бешинчи томойилни ёритишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Ўзбекис-тон иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида", "Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура" ва бошқа китобларидан назарий манба сифатида кенг фойдаланиш тавсия этилади. Жумладан, босқичма-бос-қич ўтишнинг моҳиятини, биринчи эришилган ютуқлар ва иккинчи босқичда амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазираларни ёритишда "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида" рисоласи ҳам назарий, ҳам амалий асос бўла олади.

Маҳбуба САЛОМОВА,
Юнусобод туманидаги 235-мактаб ўқитувчиси

Maktabimizning bir gektar hududga ega bog‘i bor. Bu bog‘da asosan mevali daraxtlar parvarishlanadi.

Muassasaning umumiy ota-onalar yig‘ilishida maktab direktorining, sinf ota-onalar yig‘ilishida sinf rahbarining ishtirok etishi shart.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларидан келиб чиққан ҳолда Республикада умумий ўрта таълимни ривожлантиришга оид бир қанча меъёрий ҳужжатларни қайта ишлаб, жойларга фойдаланиш учун юбориш талаб этилмоқда. Шулардан бири кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиб, қайта ишланган “Умумий ўрта таълим муассасалари ота-оналар қўмитаси тўғрисида Низом” дир.

Мазкур Низом умумий ўрта таълим жараёнини ташкил этишдаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш ва уни бошқаришда жамоатчилик ва ота-оналар ролини оширишнинг меъёрий асосларини белгилаб беради. Шуни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида “Умумий ўрта таълим муассасалари ота-оналар қўмитаси тўғрисида Низом” тасдиқланди. Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига ушбу меъёрий ҳужжатнинг 10 кун ичида барча умумий ўрта таълим муассасаларига етказилишини таъминлаш, шунингдек, мактаб директорлари, уларнинг ўқув-тарбия ишлари ҳамда маънавий ва маърифий тарбия ишлари бўйича ўринбосарлари, ўқитувчилар ва синф раҳбарлари билан ўтказиладиган семинарларда ўрганиб чиқиш вазифалари топширилди.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ОТА-ОНАЛАР ҚЎМИТАСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Умумий ўрта таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисида Низом” ва умумий ўрта таълим муассасасининг Устави талабларига кўра умумий ўрта таълимнинг бажарилиши, ўқувчиларнинг умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари талаблари даражасида билим олиши, уларнинг маънавий-ахлоқий шаклланишларида изчилликнинг таъминланиши ҳамда таълим муассасасининг моддий базасини мустаҳкамлашда педагогика жамоасига кўмаклашувчи, ота-оналар билан муассаса ўртасидаги ўзаро муносабатларни энг мақбул асосларда мувофиқлаштириб борувчи жамоат ташкилоти сифатида умумий ўрта таълим муассасаси ота-оналар қўмитаси (кейинги ўринларда матнда “қўмита” деб юритилади) фаолият кўрсатиб, унинг таркиби ота-оналарнинг умумий мажлиси томонидан ҳар йили сентябрь ойи бошида бир йил муддатга сайланади. Бу тартиб таълим муассасасидаги ҳар бир синфда ташкил этиладиган синф ота-оналар қўмитасига ҳам тааллуқлидир.

2. Синф ота-оналар қўмитаси ҳам ҳар бир синфда ота-оналарнинг умумий йиғилишида қўмита раиси ва 2 - 4 аъзодан иборат таркибда сайланади.

3. Қўмита таркибига маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, участка милиция нозири, маҳаллада обрў - эътиборга эга бўлган ота-оналар вакиллари сайланадилар, шунингдек, муассасадаги ҳар бир синф ота-оналар қўмитасининг раиси ҳам унинг аъзоси ҳисобланади.

4. Қўмита билан ҳамкорликни ташкил этишни мактаб директори, синфларда синф раҳбари амалга оширади.

II. ҚЎМИТА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНГА РАҲБАРЛИК

1. Қўмита раиси муассасанинг умумий ота-оналар йиғилишида маҳаллада ҳамда ота-оналар жамоаси ўртасида обрў-эътиборга ва етарли ҳаётий тажрибага эга бўлган ота - оналар орасидан бир йил муддатга сайланади. Ота-оналар қўмитаси раиси муассаса педагогика кенгаши ҳамда муассасада фаолият юритаётган васийлик кенгашининг аъзоси ҳисобланади.

2. Ўқувчилари сони 400 нафардан кўп бўлган умумий ўрта таълим муассасаларида ота-оналар қўмитаси иш режасида белгиланган жорий вазифаларни амалга ошириш мақсадида таркиби раис, унинг ўринбосари, котиб ва аъзолари (5-7 киши) дан иборат бўлган президиум сайланади. Шу сабабли унинг йиғилишлар ўтказиш вақти чегараланмайди. Президиумга ҳам ота-оналар қўмитасининг раиси раислик қилади. Президиум раисининг ўринбосари, котиби ва аъзолари ота-оналар қўмитасининг йиғилишида сайланадилар.

3. Қўмита йиллик ёки ярим йиллик иш режаси асосида фаолият олиб боради. Қўмита таркибига кирган аъзолар ўртасида вазифалар белгиланиб, улар қуйидаги шўъба(секция)ларга бўлинади:

синф ота-оналар қўмиталари фаолиятини мувофиқлаштириш;

умумий ўрта мажбурий таълимнинг бажарилишини назорат қилиш;

ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларига кўмаклашиш;

маънавий-ахлоқий, тарбиявий ишлар;

оммавий-маданий ва спорт тадбирлари, ҳашар, учрашувлар, турли кечалар ўтказиш;

таълим муассасасининг моддий базасини яхшилашга кўмаклашиш;

муассасада ўқувчилар овқатланишини ташкил этиш;

етим, боқувчисини йўқотган болалар, тарбияси оғир болалар ва уларнинг ота-оналари билан ишлаш;

муассасанинг давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш;

интернат типидаги муассасаларда эса тарбияланувчилар учун маиший шароитлар яратилишини назорат қилиш.

4. Ҳар бир шўъба аъзолари ўзларининг биринчи йиғилишида очиқ овоз бериш йўли билан бир йил муддатга шўъба раҳбарини сайлайдилар. Шўъба раҳбари муассаса ота-оналар қўмитаси ҳамда унинг президиуми олдида режага асосан ёки талаб этилганда ҳисобот беради.

5. Қўмита ўз йиғилишини икки ойда бир марта ўтказади, мактаб раҳбарияти билан келишилган ҳолда муҳим масалаларни муҳокама қилиш учун ҳар ярим йилда (синф ота-оналарининг умумий йиғилиши агар зарурият бўлмаса, ҳар чорак якунида) бир марта умумий ота-оналар йиғилишини ўтказади. Қўмита таркибидаги ўзгаришлар, иш режасига киритилган қўшимчалар қўмита аъзоларининг умумий йиғилишларида тасдиқланади.

6. Таълим муассасаси ота-оналар қўмитаси, унинг президиуми ва синф ота-оналар қўмитаси ўз йиғилишларида аъзоларнинг учдан икки қисми иштирок этгандагина қарор қабул қилиши мумкин ва бу қарорларнинг ижроси бошқа аъзолар учун ҳам мажбурийдир.

7. Муассасанинг умумий ота-оналар йиғилишида мактаб директорининг, синф ота-оналар йиғилишида синф раҳбарининг иштирок этиши шарт. Айрим масалаларда ота-оналар қўмитаси билан мактаб директори ўртасида баҳс ва келишмовчиликлар юзага келса, уни туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари ҳал этиб берадилар.

8. Қайта сайлов ўтказилиши кўзда тутилган ота - оналарнинг умумий йиғлишида қўмита раиси қўмитанинг бир йиллик иш фаолияти натижалари юзасидан ҳисобот беради. Синфда шундай йиллик ҳисобот синф ота-оналар қўмитаси раиси томонидан берилади.

9. Ота-оналар қўмитаси, унинг президиуми ва синф ота-оналар қўмиталарининг ҳар бир йиғилиши ҳамда мажлисида баённома ва қарорлар ёзилиб, мактабнинг иш юритиш ҳужжатлари билан бирга сақланади.

10. Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари муассаса фаолиятини назорат қилиш вақтида ота-оналар қўмитасининг фаолияти билан ҳам танишадилар ва унинг иш самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар берадилар.

III. ҚЎМИТА ЁКИ ҚЎМИТА ПРЕЗИДИУМИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

1. Қўмита ёки қўмита президиуми таълим муассасасидаги барча синф ота-оналари қўмиталари фаолиятини мувофиқлаштириб боради, ҳар чорак якунида уларнинг ва қўмита шўъбаларининг ҳисоботларини эшитади.

2. Таълим муассасаси “Васийлик кенгаши” фаолиятига ёрдам беради.

3. Муассасада у ёки бу фанни чуқурлаштирилган дастур асосида ўргатиш масаласида, ўқув режаларининг бажарилиши, Давлат таълим стандартлари талаблари асосида таълимнинг ташкил этилишига тўсиқ бўлаётган масалаларни ҳал этишда муассаса раҳбариятига таклифлар беради.

4. I - синф ўқувчиларини мактаб ҳаётига кўниктириш, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Ташхис марказлари хулосаларини турмушга татбиқ этишга кўмаклашади, ушбу масалаларда ота-оналарга мутахассислар томонидан маслаҳатлар берилишини ташкил этади.

5. Муассасада ва оилаларда ўқувчиларнинг имтиҳонларга, якуний аттестацияларга тайёрланишлари учун шарт-шароитлар яратилишини назоратга олади, бу ишларни тўғри ташкил этишда мактаб ва ота-оналарга кўмаклашади.

6. Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, таълим муассасаси ҳамда синф кутубхонаси фондини бойитиб боришга ёрдам беради.

7. Таълим ва ишлаб чиқаришнинг пуллик хизматлари кўрсатилишини йўлга қўйиш, бюджетдан ташқари маблағлар ишлаб топишда муассаса маъмурияти ва жамоасига кўмаклашади, синф ота-оналар қўмитаси, ўқитувчилар касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда бюджетдан ташқари топилган маблағларнинг ишлатилишини назорат қилади.

8. Оилавий таълимни йўлга қўйиш устидан назорат юритишда, ўқувчиларнинг ҳуқуқ ва имтиёзларини ҳимоя қилишда ҳамда муассасадаги меҳр-мурувват ишларини ташкил қилишда ёрдам беради.

9. Ўқувчилар соғлигини мустаҳкамлашга ғамхўрлик қилади, таълим муассасасида санитария ва гигиена қоидаларига амал қилиниши, ўқувчилар овқатланишини ташкил этилишини назорат қилади.

10. Таълим муассасасини янги ўқув йилига тайёрлашга ҳар томонлама ёрдам беради.

11. Педагогика жамоасининг ёш ота-оналарга бола тарбиясида ёрдам кўрсатиши, бола таълим-тарбияси муаммолари юзасидан улар учун маъруза ва суҳбатларни ташкил этишида кўмаклашади .

12. Ўқувчиларни турли зарарли одатлардан муҳофаза этиш, улар ўртасида қонунбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида синф раҳбарлари, муассаса психологи ва маъмурияти билан ҳамкорликда профилактик ишлар олиб боради.

13. Ўқувчилар давоматини таъминлашда мактаб маъмурияти ва ўқитувчилар билан ҳамкорлик қилади.

14. Зарур ҳолларда муассасада ва микрорайонда ота-оналарнинг навбатчилигини ташкил этади.

IV. ОТА-ОНАЛАР ҚЎМИТАСИ, УНИНГ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ

1. Таълим муассасаси ота-оналар қўмитаси раиси Педагогика кенгашининг аъзоси сифатида кенгаш кун тартибига қўйилган масалаларни муҳокама этишда ота-оналар номидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини баён эта олади.

2. Таълим муассасаси директори ёки педагогика кенгашига муассасани бошқаришни такомиллаштириш, ўқув-тарбия ишларининг самарадорлигини ошириш, моддий базасини мустаҳкамлаш ва бошқа масалалар бўйича ўз таклиф- мулоҳазаларини оғзаки ёки ёзма тартибда баён этади.

3. Фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари розилиги ва муассаса маъмурияти билан келишган ҳолда улар ўтаётган дарслар, тўгарак машғулотлари, синф соатлари ва тарбиявий соатларни кузатади.

4. Таълим муассасаси моддий базасини мустаҳкамлаш, таъмирлаш ишларига ёрдам бериш бўйича ота-оналар мажлисини чақиради. ҳар қандай тадбир учун ота-оналардан маблағ йиғиш уларнинг ҳар бирининг розилиги билангина амалга оширилади ва бу ҳақида ота-оналар қўмитасининг қарори чиқарилиши шарт.

5. Қўмитанинг таълим муассасасининг моддий базасини яхшилашга кўмаклашиш шўъбаси барча шаклдаги ҳомийлик ҳамда мурувват ёрдамлари - пул маблағлари, турли жиҳозлар, анжомлар ва бошқаларнинг, шунингдек, таълим хизматларини кўрсатиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали топилган маблағларнинг тегишли тартибда муассасага кирим қилиниши, сарфланишини назорат қилади. Шу билан бирга қўмита раиси муассаса директоридан муассаса ҳисобига тушган бюджетдан ташқари маблағларнинг миқдори, уларнинг қай мақсадларда ишлатилгани ҳақида ота-оналар қўмитаси йиғилишида ҳисобот беришини талаб қилишга ҳақли.

6. Етим, ота-она қаровисиз қолган болалар ҳамда кам таъминланган оилаларнинг болаларига ҳукумат қарорлари билан бериладиган бепул дарсликлар, ўқув анжомлари, иссиқ кийим - бошни топшириш мақсадида муассасада ва ҳар бир синфда тузилган комиссия таркибига таълим муассасаси ҳамда синф ота-оналар қўмитасининг аъзолари киритилади.

7. Фанларни бўш ўзлаштираётган ҳамда тарбияси оғир ўқувчиларнинг шундай кўрсаткич бераётганига сабаб бўлаётган асосий омилларни ҳамда ўқитувчиларнинг бундай болалар билан қўшимча ишлаши ва уларга эътиборини ўрганади;

Аҳволни яхшилаш юзасидан чоралар кўрилишини муассаса маъмуриятидан, ота-оналардан талаб қилади. Зарур ҳолларда муассаса маъмурияти билан маҳалла, таълимни бошқарув ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ҳокимиятлар қошидаги “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия”ларга мурожаат ва таклифлар билан чиқади.

8. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш учун муассасада шарт - шароитлар яратилишини кузатиб боради, зарур ҳолларда ихтисослаштирилган синфлар, тўгараклар ташкил этилишини, муассаса ва синфлардаги кутубхона фондини бойитиш, истеъдодли ва иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантириш учун зарур чоралар кўрилишини маъмуриятдан талаб қилади ва бу ишларни ташкил этишда ваколати даражасида ёрдам беради.

9. Муассаса маъмурияти ота-оналар қўмитаси ёки унинг президуми самарали ишлаши учун муассаса шароитидан келиб чиққан ҳолда алоҳида хона ажратиб бериши мумкин.

10. Ота-оналар қўмитаси раиси, унинг аъзолари ёки президиум аъзолари жамоатчилик тартибида фаолият юритади. Қўмитанинг энг фаол аъзолари муассасанинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий ва маънавий рағбатлантириб турилиши мумкин.

Ta’limda tadbirkorlik

Боғи бор мактаб

Юртимизда таълим-тарбия ишларини юқори савияга кўтаришда миллий қадриятлар, анъана ва урф-одатлар тажрибасидан келиб чиқиб иш юритиш яхши натижа бермоқда.

Ёш йигит-қизларни ҳар томонлама етук ва баркамол инсон қилиб меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш ҳамиша эътиборда турган. Меҳнатсеварлик замирида ёшларимиз ҳалол меҳнат эвазига маблағ топишни ва шу йўл билан оиланинг иқтисодий аҳволини оширишга ҳисса қўшишни ўрганганлар. Биз ҳам ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб мактабимизда тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор бермоқдамиз. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик билан шуғулланиш ўғил-қизларимизнинг келгуси ҳаётда мустақил ўрин топиб кетишида қўл келади.

Ҳозирги кунда мактабимизда 552 нафар бола тарбияланади. Ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун 14 та фан кабинетлари улар ихтиёрида. Ёшларга таълим-тарбия бераётган 44 нафар ўқитувчининг 35 нафари олий маълумотли мутахассислардир. Мактабимиз “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фани бўйича Зомин туманида тажриба-синов майдончаси ҳисобланади.

Таълим-тарбияда ана шундай ижобий ютуқларни қўлга киритишда ишларни тадбиркорлик асосида йўлга қўйганлигимиз бизга катта ёрдам бермоқда.

Мактабимизнинг бир гектар ҳудудга эга боғи бор. Бу боғда асосан мевали дарахтлар парваришланади. Ҳар йили ёз мавсумида боғда етиштирилган ўрик, олма ҳосили бозорга олиб чиқилиб сотилади, бир қисми эса қуритилади. Шунингдек, ўрик данагини йиғиш ва уни сотиш ҳам йўлга қўйилган. Ўқувчилар йил давомида қуритилган ўрик қоқисидан тайёрланган шарбат билан бепул таъминланади. Бундан ташқари, мактабимиз ҳудудида 5000 дона терак бор. Бу теракларидан биринчи галда мактаб эҳтиёжи учун фойдаланамиз.

Мактабимиз қошида ўқитувчиларни тадбиркорликка ўргатишга қаратилган ишлаб чиқариш шахобчалари мавжуд. Шулардан бири оҳак цехи бўлиб у ерда ишлаб чиқарилган маҳсулот аҳолига, қўшни мактабларга арзон нархда сотилади. Тадбиркорликдан тушган маблағлар биринчи галда мактабни таъмирлашга, кўргазмали қуроллар тайёрлашга сарфланади. Шунингдек, аълочи ўқувчиларни рағбатлантириш, кам таъминланган оила фарзандларига моддий ёрдам бериш ана шу маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

Тадбиркорлик — ўқувчиларни бевосита меҳнат қилиш, ундан топилган маблағ эса ўз меҳнатидан баҳраманд бўлиш, уни қандай сарфлаш кўникмасини шакллантиради. Ҳозирги кунда мактабимизнинг ўқитувчилари ҳам, ўқувчилари ҳам тадбиркорлик таълим қаноти эканлигини амалда исботлаштириш ўқув йили, деб эълон қилинган. Методик хизматни такомиллаштиришда узоқ йиллик иш тажрибасига эга бўлган ўқитувчиларнинг ҳаёт мактабидан унумли фойдаланиш бизга катта самара бермоқда.

Таълим-тарбияда жамоамизнинг ягона мақсад йўлида иш юритаётганлиги ўзининг натижаларини кўрсатаяпти. Фан олимпиадаларида ўқувчиларимиз туман ва вилоят босқичларида фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритаяптилар. Биз келгусида фан тўгараклари ишини янада жонлантириб, мактаб методик кенгаши билан ҳамкорликда таълим-тарбияга методик хизмат кўрсатиш тизимини давр талаби даражасида ташкил этишни ўзимизнинг кундалик вазифамиз деб ҳисоблаймиз.

А.МУХАЙМИНОВ,
Зомин туманидаги 15-мактаб директори

ОТА-ОНА ОРЗУСИ

у фарзанд тақдирига қанчалик боғлиқ?

Буюк мутафаккир бобомиз айтганидек, ота-она фарзанд учун бири қуёш бўлса, бири ой саналади. Қуёш нурини ер юзига тенг сочганидек, ота ҳам фарзандларига тенг муносабатда бўлса, ой тунда заминни тенг ёритганидек, она ҳам жигарбандлари кўнглини меҳр нури билан ёритиб туради. Югурик вақт қанотида фарзандлар улғайгани сари жажжи қалбдаги истак-умидлар ҳам улғаяверади. Ўз навбатида бунинг баробарида ота-она орзуси ҳам улғайиб боради. Айтиш жоизки, фарзанд воягa етгач, янги ҳаёт бўсағасида қайси касб ёки ҳунар бошини тутишни ўйлаб, иккиланиб турган маҳалда албатта ота-онанинг унга ўгит ва тўғри йўналиш бериши катта аҳамиятга эга. Чунки ота-она фарзандининг ҳеч қачон эгри йўлга юришини истамайди ва аксинча унинг бахтли бўлишини, ўзлари эса ўша бахт соясида саодатли умргузаронлик қилишни хоҳлашади.

Лекин ота-онанинг янги ҳаёт бўсағасида турган фарзанди истагига қарши чиқиши ёки аксинча ҳолат юз берган бўлса-чи? Таъкидлаш ўринлики, киши истаса-истамаса ҳаётда бундай ҳоллар ҳам учраб туради. Бу эса аксарият ҳолларда ота-она ёки иккаласидан бирининг фарзанди танлаган йўлни, гарчи у узоқни кўзлаётган бўлса-да , хуш кўрмасликлари ёхуд фарзанди хоҳиш-истагини эътиборга олмай, уни ўзлари танлаган йўлдан боришини кўпроқ хоҳлаши оқибатида юзага келаётганини кузатиш мумкин.

Мана бир мисол: ёши ўттизни қоралаб қолган бир йигитни биламан. Унинг яқин ўтмишидан ҳам хабарим бор. Ўша йигит мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йилларда мактабни битирдию, негадир ҳеч қайси олий ўқув юртига ҳужжат топширмади. Ваҳоланки, мактабни тугатган ҳар бир ўсмир ўша онларда катта-катта орзу оғушида бўлади ва албатта бирор ўқув юртига ўқишга кириш учун ҳужжат топширади. Айни ўша вақтлар мамлакатимизда олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари ҳам янгича услуб — тест синови орқали ўтказила бошлаган эди.

Нега?

Бунинг сабабини кейинроқ билдик: отаси рухсат бермапти. Бу эса беихтиёр мактабни тугатган йили ўқишга кира олмаган бошқа бир ўсмирнинг иккинчи, учинчи, ҳатто тўртинчи йилларда ҳам омадини синаб кўрганини ёдга солади. Ёки буни эшитган киши гарчи ишонгиси келмаса-да, яна бир ҳаётий мисолни келтириш жоиз: олти-етти нафар фарзандли, ёши қирқдан ошган бир киши ҳам ўша пайтлар абитуриент эди. Балки буни ҳам яшаш учун курашнинг бир тури дейишимиз мумкин бўлар. Нима бўлганда ҳам ўз омадини бирор марта ҳам синай олмаган йигитга ачинасан киши. Бунга унинг отаси иқтисодий ва бошқа сабаблар баробарида собиқ шўро тузумида мавжуд бўлган “ўқишга фақат пулдорларнинг боласи киради”, деган ақидани рўкач қилиши мумкин. Бироқ бу важ ўзини оқламайди. Негаки, тест синови барча учун баробарки, бугунги кунда билимли ўқувчи истаган олий ўқув даргоҳига ўқишга кириши мумкин. Айни пайтда ҳатто билимли ёшларнинг хорижий давлатларда таҳсил олаётганини кўрган, эшитган киши кўнглида беихтиёр фахр туйғусини туяди. Бунинг моҳиятини ҳалигача англаб ета олмаганларга эса фақат ачиниш мумкин, холос. Баён этилган йигитнинг орзуси эса отасининг асоссиз қаттиққўллиги туфайли саробга айланган.

Шу ўринда яна бир мисолни келтириш жоиз деб ўйлаймиз. Мактабни эндигина битирган ўсмир биринчи марта ота-онаси раъйини қайтарди. У волидаси ва падари таклиф қилган, яъни “келишилган, кириши юз фоиз аниқ бўлган” ўқишга эмас, ўзи хоҳлаган касб эгаси тайёрлайдиган олий ўқув юртига ҳужжат топширди. Бироқ давлат ҳисобидан ўқишга бир неча балл етмай қолиб, шартнома асосида ўқишга тўғри келгач, ота-онаси бунга розилик бермади. Энди ўсмир кейинги йилда яна қайтадан ўша билим даргоҳига ҳужжат топшириш мақсадида тайёргарлик кўрмоқда. Бироқ ота-онаси “боши деворга урилса-да, кўзи очилмаган” фарзандини кейинги йилда яна “ўзлари хоҳлаган жойга ўқишга киритиш” пайида юришибди.

Демак, ота-она билан фарзаднинг ниятлари бошқа-бошқа. Бу эса ўртада ҳар икки томон ҳам илғай олиши мушкул бўлган қарама-қаршиликни юзага келтирган. Ваҳоланки, ота-она фарзанди танлаётган йўлни маъқуллаб, уни қўллаб-қувватлаганда руҳий тушкунликка тушмаган фарзанд биринчи уринишидаёқ талаба бўлиши мумкин эди.

Mushohada

Бу сўзларни айтиш билан фарзаднинг ота-онаси кўрсатган йўлдан юрмай, улар кўнглини ранжитиши ҳолатини тарғиб қилмоқ ёки оқламоқ ниятидан йироқмиз.

Ушбу мавзуда қоғоз қораланаётиб, сарлавҳа танланаётганда беихтиёр машҳур адибимизнинг севимли асаридаги шу номли боб ёдга тушди. Унда яккаю ёлғиз фарзанди “бошини иккита” қилишни истаган ота-онанинг ўғлидан иккинчи бор уйланиш розилигини олганини кўпчилигимиз биламиз. Хўш, бу ерда ота-она орзуси билан фарзанд хоҳиши қай даражада уйғун эди? Асарни ўқиган киши бундан ҳам хабардор, деб ўйлаймиз. Лекин асардаги бу бобни ёдга олишдан мурод уни таҳлил қилиш эмас, балки бугунги кунда айрим ота-оналарнинг фарзандини уйли-жойли қилишидаги баъзи ножўя ҳаракатлари хусусида фикр юритишдир.

Маълумки, инсон руҳиятида бирор ишга, гарчи у бунинг оқибати яхшиликка олиб келмаслигини билсада, уриниш мавжуд. Шу маънода қариндошлар ўртасида никоҳ қайд этилиши ҳолатларини ҳам фақат инсонгагина хос тушунча натижаси дейиш мумкин. Бу эса ўз навбатида инсон руҳиятига хос бўлган “билганига амал қилмаслик” деган тушунчага бориб тақалади. Бунинг ҳунук оқибатларга олиб келишини эса кексаларимиз сўзлари ҳам, ҳаётий мисоллар ҳам, тиббиёт ҳам тасдиқлайди.

Бугунги кунда асосий йўналиши оила “қўш устун”ларининг бир-бирига муносабатини ёритишга айланиб улгурган айрим нашрлар саҳифалари-ю, радио-телевидениеда қариндошлар ўртасида тузилган никоҳ ва унинг салбий оқибатлари ҳақида кўп чиқишлар қилинмоқда. Айтиш жоизки, аксарият ҳолларда ота-она розилиги (фарзаднинг уларнинг сўзини қайтаролмаслиги) туфайли унаштирилаётган ёшлар алалоқибат ажрашишга маҳбур бўлишаяпти ёки ногирон бўлиб дунёга келган фарзанд сабабли қалбида битмас жароҳат пайдо бўлмоқда. Қариндошлар ўртасида никоҳ тузилишини аксар ота-оналар “қариндошчиликни узмаслик, улардан узоқлашмаслик” билан изоҳлашади. Бироқ бу важ ҳам ўзини оқлай олмайди. Ваҳоланки, кўп ҳолларда айнан шу ҳолат нафақат ёшларнинг ажрашиши, балки баъзи қариндошларнинг ҳатто юз кўрмас бўлиб кетишларига сабаб бўлаётир. Аслида “қариндошчиликни узмаслик”нинг бошқа йўллари кўп бўлиб, бу ҳар икки томоннинг ўзига боғлиқ масала ҳисобланади. Демак, бу ўринда ота-она ризолиги рад этилишга маҳбур.

Алалхусус, ота-она орзуси билан фарзанд ризолиги ҳамма вақт ҳам уйғун бўлавермас экан. Бу эса ота-онанинг ўзлари хоҳламаган ҳолда фарзанд (ёки аксинча) руҳиятига салбий таъсир ўтказиб қўйишига олиб келади. Улар ўртасидаги ўзаро келишув, яъни ота-онанинг фарзандини ўзлари кўрсатган йўналиш ёки у танлаган йўлнинг қай даражада тўғри эканини бир-бирига тушунтира олишларигина оқибатда кутилган натижани беради. Шундагина ҳар икки томон ҳам эришилган ютуқлардан шодмон бўлишади. Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, ота-она ризолигини олган фарзанд ҳеч қачон кам бўлмайди ва фарзанди олдидаги бурчини ҳаққоний адо этган ота-онанинг юзи жигарбанди қаршисида доимо ёруғ бўлади.

Шерали МАҲМАРАЙИМ ўғли

"Navro'z — boqiy bayram" tanloviga

НАВРЎЗНИ ТАНИГАНИМ

1989 йил, март. Мактабнинг битирувчиларимиз. Синф раҳбаримиз дарсдан сўнг мактаб ҳовлисида синфимиз билан йиғилишимизни ва бир масалада маслаҳатлашиб олишимиз лозимлигини айтди. Тўғриси, синфимиз мактабда бўладиган катта-кичик тадбирларда энг фаол бўлса-да, ўқитувчиларимиз биз билан ҳеч маслаҳатлашмас, фақатгина уларнинг топшириқлари сўзсиз бажарилар эди. Ва бунга астойдил кўникиб ҳам кетгандик. Лекин шу куни беш соатлик турли фанлардан олган сабоқларимиз одатдагидан камроқ эътиборимни тортгани рост. Бутун ўю фикрим дарсдан кейин бўладиган маслаҳатда эди. Наҳотки ўқитувчи ўқувчилар билан маслаҳатлашса. Ўқитувчи бўлгандаям қаттиққўлликда донғи кетган домла, дея ўйлардим...

—Хўш, ҳамма шу ердами?! — дея саволомуз сўз бошлади домламиз. — Энди гап бундай. Сизлар мактабнинг ҳам дастёри, ҳам маслакдоши бўлиб қолдинглар. Ҳадемай катта ҳаётга шўнғиб кетасизлар. Шу пайтгача биргаликда кўплаб тадбирларни ўтказдик. Мактабда ўтказган кеча ва тадбирларимизнинг барчаси мана шу қўлимдаги папкага жойланган сценарийлар асосида бўлди. Уни бизга РайОНО берган. Юқоридан тасдиқланган. Лекин эндиги режалаштираётганимиз — Наврўзни нишонлаш масаласи бир оз жиддийроқ. Бу борада маслаҳат жоиз. Бу йил мактабда Наврўзни нишонласак. Кимда қандай фикр ёки таклифлар бўлса ўртага ташласин.

Ҳамма хаёлига келган биринчи фикрни ифодалашга тушиб кетди.Ва ҳамманинг фикри айнан бир нарсани тасдиқлар эди: "Мактабда сумалак пиширамиз!"

— Фақат сумалак билан иш битмайди. Мақсад катта, —деди муаллимимиз. — Уни тасаввур этиш учун Наврўз нималигини билиш керак. Ҳозир сиз билан биз билган нарсалар бу байрамнинг моҳиятини очиб бермайди, менимча. Яхшиси, бугун сизлар билан бир қарорга келдик, деб ҳисоблаймиз. Мактабда Наврўзни нишонлаймиз. Сизларга топшириқ шуки, Наврўз ҳақида, у билан боғлиқ удумлар хусусида уйдаги катталардан маълумотлар йиғиб келасизлар. Эртага шу вақтда яна йиғиламиз.

*Ўша куни интиқиб кутганим — маслаҳат узоққа чўзилмади. Масала эса, ўқитувчи билан ўқувчиларнинг маслаҳатлашишига арзимайдигандек туюлди. Тарқалишдик. Эртасига домламиз бизни синфхонага бошлади. Уч-тўртта ўйинқароқ синфдошларимизнинг келмаганига эътибор ҳам бермаган ўқитувчимиз дафтар-қалам олиб ким нима "билиб" келган бўлса, ёза бошлади. Синфдошларимиз бирма-бир ўрнидан туриб Наврўз ҳақида, у билан боғлиқ халқимиз удумлари, амаллари борасида гапирар экан, Наврўз деганда дошқозонда сумалак пиширишнигина тасаввур этиб юрганимдан уялиб кетдим. Синфдошларимни тинглаб мендаги тасаввур шу даражада "семириб" кетдики, Наврўз — сарҳадсиз, тимсолсиз, фақат эзгуликлардангина иборат мулк, мулк бўлганда ҳам миллат мулки эканлигини англагандек бўлдим. Яна англадимки, у бир кунлик байрам эмас. Бошқа байрамлардан фарқли ўлароқ фақат мактаб саҳнасида, дастурхон атрофида, оила даврасида ёки туман марказида бўладиган сайллар атрофидагина нишонланмайди. У ҳар бир кўнгилга ташриф буюриб, узоқ муддат руҳий ҳамроҳ бўлиб юради. Наврўз ёзги қуёшдан, кузги шудрингдан, қишнинг қору ёмғиридан фарқли ўлароқ осмондан тушмайди. У яшил майса бўлиб, бинафшаю лола бўлиб ердан чиқади. У қалдирғоч қанотида айвонингга инади. Олисдаги соғинганингдан, йўқлай олмаганинг онанг ҳолидан қўшнининг қўлидаги косада сумалак бўлиб хабар олади. У ҳовлию кўчаларга мевали, манзарали дарахтлар бўлиб экилади. Меҳрмурувватли кишилар тимсолида баҳорги илик узилди дамларда бева-бечоралар, қариялар рўзғорига ризқ бўлиб киради. Қишлоғу шаҳарларга озодалик, тозалик, уйларимизга, кўчаларимизга саришталик сифатида келади. Ўзаро муносабатларимизда илиқлик янглиғ ифода топади. Буларнинг барчаси бир бўлиб, дошқозонда куну тун қайнаб **СУМАЛАК**ка айланади гўё...*

ЯНГИ КУН СОҒИНЧИ

Ўша куни бу буюк байрам ҳақида жуда кўп маълумот олдик. Ҳозир ёзганим ўшанда мен таниган Наврўзнинг бир бўлаги, холос. Дарвоқе, кейинроқ билишимча, биз билан маслаҳатлашишдан олдин устозимиз Қишлоқ ўртасида дов-дарахтсиз, ялангоч ерга қурилган мактаб ҳовлиси яшнаб кетди.

Иккинчи куни синфдошлар маҳалла-маҳалла қариялар, кам таъминланган оилалар аҳволидан хабар олиб юрар эканмиз, кўчада бизга ҳайрихоҳлик билан қараётган ҳамқишлоқларимиз муносабатларидан тўғри иш қилаётганимизни ҳис этиб, роса руҳлангандик. Шу куни катта ёшдаги муаллималаримиз бошчилигида мактаб ҳовлисига осилган дошқозонга сумалак солинди. Дарслардан кейин ҳувиллабгина қоладиган мактабимиз ҳовлиси тобора гавжумлашиб борарди. Кечга томон ўқитувчию ўқувчилардан бошқанинг ташрифи кузатилмайдиган мактаб ҳовлисида бутун қишлоқ аҳли йиғилди, десам муболаға бўлмайди. Айримлар аллақачон бошланиб кетган баҳорги юмушлардан бир оз чалғиб, шунчаки келган, бошқалари кўпдан бери кўнгилочар тадбирларни қўмсаб юрганда мактабдаги "кутилмаган иш"дан бохабар бўлишга шошган, баъзи аёллар минг бир истиҳола билан қоронғуда ҳам уйига қайтмаган "қулоқсиз бола"сини гўёки қидириб мактабга келганди. Шу куни бутун қишлоқ аҳли ёшариб, навқирон бўлиб қолгандек эди, назаримда. Бу манзаранинг моҳиятига мен кейинчалик етдим. Яъни, одамлар Наврўзни соғиниб қолган экан.

ОЖИЗЛИК ИФОДАСИ

*Ўша даврда жон талвасасида яшаётган, бутун дунё кўз ўнгида шармандаларча инқироз сари бораётган, бир неча ўн йиллар давомида бутун-бутун халқлар устидан ҳукмронлик қилиб келаётган, уни улуғламайдиган, қуллуқ қилмайдиган ва ёки унга тасаннолар айтиб алқамайдиган ҳар қандай миллий, диний, маҳаллий урф-одатлар, удумлар, анъаналар ҳамда амалларни кескин қоралайдиган, ундайларни кечирмайдиган, керак бўлса жазолаб қўядиган сохта тузум **МИЛЛАТ**ларга, **МИЛЛИЙ**ликка қарши ўзида куч топа олмай қолган экан. Наврўз нималигини ўшанда англаб етган бўлсам-да, уни нима сабабдан шундай катта тантана билан бутун қишлоқ даражасида нишонлай олганимизни кейинчалик тушуниб етганман. Зиёлилар сергаклашиб, эртани кўра бошлаган экан, ўшанда. Манбалардан маълум бўлишича, Наврўз энг кўҳна байрамлардан бўлиб 2500-3000 йиллик тарихга эга экан. Шунча йўлни босиб ўтган, ўзига хос сайқал топиб улгурган, қолаверса, не-не тузумлару тараққиёт босқичларини кўрган, ўзида инсон ақл-заковати билан боғлиқ энг эзгу амалларни, ҳис-туйғуларни мужассамлаштирган, чуқур фалсафий тушунчага айланган Наврўз нобоп тузумда зўравонликдан безиб одамлар қалбига, юрагига "чекинган" экан. Одамзодга хос нарса — кўнглингни ёзгинг келади, юрагингдагини бировга изҳор қилишни хоҳлайсан, дардлашишни истайсан.*

*Ўзининг маъно-мазмуни билан бунёдкорликни, яратувчанликни, меҳр-мурувватни, ҳамжиҳатликни, уйғонишни, бир сўз билан айтганда, **МУСТАҚИЛЛИК**ни ифода этувчи Наврўзнинг миллатга, унинг руҳига нечоғли қувват беришини билган "доно"лар бу халқни ундан жудо қилишни мақсад қилиб қўйганларида бир нарсани билишмаган кўринади. Инсонни руҳан маҳв этиш, кўнглини забт қилиш, юрагидан жой олиш шунчаки гап эмас. Уни жисмонан йўқ қилишни ғалаба, деб ҳисоблаб келганлар буни билишга ожиз эдилар.*

КЎЗ ТЕККАНМИДИ?!

Уч-тўрт йил олдин журналистик фаолиятим билан боғлиқ иш юзасидан Сирдарёга бордим. Ҳамма жойда Наврўз шукуҳи. Туманлару хўжаликларда навбатма-навбат катта концерт дастурлари, халқ сайллари, тўкин дастурхон атрофида совға-салом улашишлар, қизиқчилик, миллий томошалар, кўпкари ва бошқа спорт мусобақалари давом этаётган экан. Ишларим битгач, бизнинг водий томонларда улоқ чопиш дейиладиган кўпкари мусобақасини томоша қилиб қайтиш истагида Оқолтин туманига йўл олдим. Тошкент — Самарқанд йўли бўйида пешонасига "кўпкари" деб ёзиб олган машиналардан бирига ўтириб, мусобақалар бошланаётган бедапояга етиб келдим.

Йўлда бораётиб ёши кексароқ киши менга бир-икки савол бериб қизиқсинган эди. Машинадан тушиб аланглаб турганимни кўриб, "меҳмон, биз билан юраверинг, зериктириб қўймаймиз" деб қолди. Таклифни бажонидил қабул қилиб унга эргашдим. Аввал суҳбатлашдик. Оқил ака қашқадарёлик бўлиб, ўғли бугун кўпкарида иштирок этаётган экан. Уни томоша қилиш учун неварасини етаклаб шунча йўл босиб келибди. Суҳбатлашиб ушбу мусобақа хомийлари ҳузурига бордик. Оқил ака улардан совринга бериладиган битта гиламини ўғли Содиқжоннинг шаънига қўйилишини ва улоқни энг узоқ муддат ўзида тутиб турган чавандозга ҳадя қилишларини илтимос қилиб, қолдирди. Чамаси бир соатлар ўтгач Оқил аканинг совғаси Тошкент вилоятидан келган чавандоз Эсонбекка берилиши эълон қилинди. Кўзларига ёш тўлиб, неварасини қучиб ўтирган Оқил аканинг чеҳраси очилди. Менга жиддийроқ нарса хусусида сўзлашга чоғланаётганини билдириб, ишора қилиб қўйди-да, гап бошлади.

— Эҳ, мухбир болам, биз ўзимизга бегона ҳаётда яшадик-да. Шукрки, қолган беш кунимизни беармон яшаш насиб этяпти. Илгарилари фалончи тўй бераяпти деган гап кўпкарию кураш бўлишини англатарди. Узоқ-узоқларгача курашчию чавандозларнинг овозаси кетарди. Тўйбошининг совринга атаган новвослари қурбонлик гап эди. Чунки кўпчиликка ризқ бўларди, турли элатларнинг бошини бир жойга жам қиларди, миллий урф-одатлар, қадриятлар давомийлигини таъминларди. Хуллас, савоби бисёр эди. Ёшлигимда мен ҳам отдан тушмас эдим. Кўпкаридан қолмасдим. Кейинчалик бундай томошалар сийраклаша бошлади. Кўпкари мусобақалари деярли ўтказилмай қолди.

*Бунинг сабабларидан бирини ўғлим Содиқжон менга айтиб берган. Бизга **КЎЗ ТЕККАН**, деса ҳам бўлади. У ҳарбий хизматни Украинада ўтаган. Кетганига бир йил тўлганда отпускага бораяпман, командирим ҳам мен билан бориб, Ўзбекистонни кўриб келмоқчи. Тайёргарлик кўриб туринглар, деб телеграмма ёзди. Шофёрликка ўқиб олгани яхши бўлган экан. Армияда генерални олиб юрган. Орадан бир ҳафта ўтиб, ўғлим генерали билан келди. Ёнида вилоятдан ҳам ҳарбийларнинг катталари қўшилган. Шу куни уйимиз тўйхона бўлиб кетди. Отам раҳматли ҳаёт эди. Эртаси куни меҳмонларни қирнинг орқасида бўлаётган кўпкари мусобақасига олиб бордик. Ўзимизнинг военкоматдагилар "меҳмон генерал кетгунича шу машинамиздан фойдаланиб туринглар", деб УАЗини ташлаб кетди. Таърифларимиз ошиқтириб юборди шекилли, генерал кўпкарига тезроқ боришни хоҳлаб қолди. Эртароқ йўлга чиқдик. Етиб борганимизда тўрт-беш чавандоз олов ёқиб, исиниб ўтиришган экан. Атроф манзарадан завқланаётган генерал қирга ўрмалай бошлади. Ярим соат юриб, чарчаб ўтирди. Генерал чиқиб борган баландликдан икки-учта, ўн-ўн беш хонадонли кичик қишлоқларнигина кўз илғар эди. Хаёлга чўмган генерал кўпкарида нари борса йигирма-ўттиз отлиқ қатнашишини тасаввур қилган бўлса керак, чор атрофдан учта-тўртта бўлиб отлиқларнинг пастга эниб келишини, бешта-ўнта бўлиб пиёда гурунг қилиб тушаётган одамларни кузатиб бироз сергакланди. Бирор соатлар ўтгач, икки юз чоғли чавандоз ва икки мингдан зиёд томошабинлар йиғилиб кетди. Генерал беҳосдан "ну, вы — узбеки. Не зря тогда они долго мучилис, значит" деб қўйди. Ўшанда у Кауфману Скобелевларни, Черняевларни назарда тутганини билмаган эканман. Бир ҳафта ҳам тезда ўтиб кетди. Ўғлим меҳмони билан яна хизматга қайтди. Поездда кетишаётганда ўлгудай ичиб олган генерал ўғлимга кўпкари таассуротларини айтиб, шундай деган экан: — "Бу иш сиёсатга қарши. Чек қўйиш керак. Юқоридан туриб чек қўйиш керак. Бу оддий ни биргина мақолада ёзиб тугата олмайман. Суҳбат мавзулари ҳам турлича эди, ўшанда.*

ЭНГ ҚИСҚА ТУН

Одамлар чиндан ҳам Наврўзни жудаям соғиниб қолган экан. Ўша куни мактабимизда бутун қишлоқ аҳли тонг отгунча сумалак пишириб чиқди. Ёши катта онахонларга махсус жойлар ҳам тайёрлаб берилди. Улар Наврўз билан боғлиқ, сумалак тайёрлаш тарихига доир ривоятлар, афсоналар, болалик хотираларидан айтиб беришди. Бу кеча энг қисқа тун бўлганди биз учун. Айтишларича, Наврўз қадимдан энг хосиятли кун бўлиб, кишилар учун ўзаро меҳр-оқибат, хайру саховат рамзига айланиб қолган. Турмушда учрайдиган гина-кудратлар, аччиқ андуҳлар кўнгилдан чиқариб юборилган. Деҳқончилик, зироатчилик, чорвачилик ва бошқа касбу корларга барака тиланадиган, тўкинчиликка умид қилинадиган, бева-бечоралар, етим-есирлар ҳамда мухтожлар йўқланадиган, фарзандларга, келажакка атаб боғу роғлар яратиладиган кунлар бўлган бу Наврўз.

Шунинг учун ҳам бу кунларда Юртбошимиз таъбири билан айтганда "Инсон табиатдан баҳра олиб, оламга бағрини кенг очиб, ўз қалбидаги энг эзгу туйғу ва тилакларини, орзу ва умидларини юзага чиқариш, ҳаётга ота-онаси, дўсту бирodарларига бўлган меҳру муҳаббатини изҳор этишга интилади".

ЭЪТИРОФ

Мустақиллик йилларида халқнинг кўнглида ҳеч бир сунъийликсиз барқ урган боқий байрам йил боши эканлиги билан ҳам афзалликларга эга. Бунда ўтган йил сарҳисоби билан бошланаётган янги йил режалари туташади. Шу юртнинг асл фарзандлари , унинг бугуни билан фахрланадиган, келажаги хусусида қайғурадиган инсонлар ўтган йилда эриша олмаган шахсий муваффақиятларидан ўксинмайди. Аксинча, мамлакат даражасидаги, давлат миқёсидаги улкан ютуқларимиздан таскин топади. Шундан руҳ олади, қувват олади. Табиатга ҳамоҳанг равишда уйғонаётган инсон қалби ҳам яшнатишга, бунёдкорликка мойил бўлади. Тузилажак режалар ҳам шунга яраша бўлади. Кўнгилда чин маънодаги ёруғлик лаҳзалари, байрам ҳисси яшайди. Наврўз кўнгилга яқин айём. Унинг кўнгилга яқинлигини, ҳар қандай миллат, дин ёки ирққа мансуб бўлмасин, беғараз инсонлар қалбидан жой ола билишини мамлакатимизда истиқомат қиладиган турли миллатлар миллий маданият марказларининг Наврўз байрамини нишонлаш бўйича махсус дастурларга эга эканликларидан ҳам яққол фуқароларни доимий юқори ҳарбий тайёргарликда ушлаб туришдай гап. Қолаверса, от чопганларга берилган қимматбаҳо гиламлару, чорва моллари осмондан тушмаётгандир. Тоғларнинг орасидаги коммуникациядан узилган қишлоқларда шундай яшашса (уни меҳмон сифатида қадрлаб дастурхонга қўйган ноз-неъматларни, мевачеваларни назарда тутган бўлса, ажабмас) шаҳарларингда қандайлигини тасаввур қилиш мумкин. Демак, нолишга ҳаққи йўқ, бу ўлкаларнинг. Мен Москвани хабардор қилмасам, огоҳлантирмасам бўлмайди. Акс ҳолда...".

Ана шунақа гаплар. Мана шундай ғараз нигоҳлар таъсирида кўпкари ва бошқа кўп нарсамиздан ажралиб қолгандикми, дейман-да. Кўнгилнинг қораси ёмонда. Одамни соғлом, бақувват қиладиган, руҳини ўстирадиган, керак бўлса тарбиялайдиган бу гўзал амални қандайдир ҳарбий тайёргарликка йўйган одамдан яхшилик кутмаслик керак. Аллоҳнинг иродаси Истиқлолимиз кўп миллий, халқона анъаналаримизни, бугунгидай Наврўзларимизни бутун бўй-басти билан қайтиб берди. Асл моҳияти нима ва қандай воқелик билан боғлиқлигини тўлиқ билмаган ясама байрамларда бегона тилдаги ҳайқириқларни эшитиб ўтган кишилар бугунги халқ сайлларида яйраши, ўзларининг жон томиридан жой олган байрамларни нишонлаётганининг ўзи бир бахт...

Оқил ака билан бирга ўтган кун таассуротларим шу қадар кўпки, уларни биргина мақолада ёзиб тугата олмайман. Ҳали кўп нарсаларни кўриш мумкин. Зеро, Наврўз дўстлик ва миллатлараро тотувликнинг ҳам ўзига хос тантанасидир. Кейинги йилларда дунёнинг кўплаб давлатларида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон элчихоналари, ваколотхоналари орқали бутун жаҳонга ўзбекистонликлар маданиятини, ифтихорини, миллий анъаналарини олиб чиқаётган Наврўзни улуғлаш жоиз. Чунки, чет эллардаги ватандошларимиз, юртимиз вакиллари билан Наврўзни нишонлашга келадиган юзлаб, минглаб хорижлик меҳмонлар баҳорий таомлардан баҳраманд бўлиб, халқимизга хос миллий урф-одатларимиз билан танишиб ёки пойтахтдаги Наврўз тантаналарини халқаро телеканаллар орқали кузатиб, у улуғлашга, асраб-авайлашга, мазмунан бойитиб боришга арзийдиган байрам эканлигини кўп такрорлашган...

ЮРАКЛАРДА ЯШАЙВЕРАСАН, НАВРЎЗ

НАВРЎЗ ЭККАН КЎЧАТЛАР

Эртаси куни, яъни байрам сценарийсининг учинчи куни мактабда сумалак пишди. Мактабимизда дарслар икки сменадан ташкил қилингани боис 1-сменада охирги соат ва 2-сменада биринчи соат дарслари мактаб маъмурияти томонидан бекор қилинди. Мактабнинг тантаналар залига "сиғмаган" Наврўзни ҳовлига кўчирдик. Синфдошларимиз билан байрам томошаси учун тайёрлаган ижодий-мусиқий дастуримизни ижро этишга киришдик. Фақатгина мактабдошларимизгагина томоша кўрсатаверіб ўрганиб қолган эканмизки, ҳовлида йиғилган катта-кичик қишлоқдошларимиз қаршисида кўпчилик синфдошларимиз ўзини ноқулай сеза бошлади. Ижроларимиз ҳам тўлақонли чиқавермади. Шунда раҳбарларимиз микрофонни қўлига олиб йиғилганларни "томошабинлик"дан "ижрочи"ликка таклиф қилди. Биз ҳам ноқулай вазиятдан чиқдик, ҳам сценарийимиз "семириб" кетди. Ким Наврўзга тааллуқли нима билса ўзини кўрсатди. Ўйин-кулгу авжига чиқди. Қош қорайганда мактаб ҳовлисидан чиқиб бораётган одамлар оқими хотирамга ўрнашиб қолган. Бу Наврўзнинг кучи эди.

Шундан буён Балиқчи туманидаги 7-мактабда Наврўз кенг нишонланади. Ҳар йили битирувчилар ўша сценарийга ўзига хос битта ўзгариш киритади. Бу табиий ҳол, албатта. Лекин бу йил мактабни битираётган укаларим, сингилларимга бир таклифим бор. Бу гапни айтмасам бўлмас. Наврўз — боқий байрам. Унда қўл урилган эзгу ишлар самараси ҳам боқий бўлади. Наврўзни нишонлаш учун донғи кетган санъаткорларни фалон пул сарфлаб олиб келишга чоғланмасангиз, яхшийди. Шунга кетадиган сарфни жонажон мактабимиз учун эсдалик бўладиган, ўқувчиларга нафи тегадиган совға-салом учун харажат қилсангиз, аъло иш бўларди. Масалан, китобларга.

Биз бугун бундан ўн тўрт йил олдин эккан дарахтларимиз ҳисобидан мактаб биносининг томи қайта таъмирланганидан фахрланиб юрибмиз.

Фахриддин КАРИМОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Shirkat ustav fondi ishtirokchilar ulushlarining nominal qiymatidan tashkil topadi. Shirkat ustav fondining miqdori uni davlat ro'yxatidan o'tkazish paytida qonun hujjatlarida belgilangan eng kam oylik ish haqining ellik baravaridan kam bo'lmasligi kerak.

O'zi san'atga yaqin odam edi. Nay bilan g'ijjakni ezib chalardi. Do'stlar davrasini hozirjavobligi, latifalari, she'rlari bilan bezagani ustiga, nay navosi, g'ijjak sadolari bilan ham bezar edi. Unga ko'nglini bergan do'st ayrilgisi kelmas edi.

Ma'rifat

Qonun va fuqaro

XЎЖАЛИК ШИРКАТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

(36-мақола)

2001 йил 6 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги сессиясида Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик ширкатлари тўғрисида" ва "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонунлари қабул қилинганди. Яъни, амалдаги ("Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида"ги) қонун шакллантирилиб, у алоҳида-алоҳида иккита қонун бўлди. Ва улар 2002 йилнинг 1 мартидан амалга киритилди. Шу муносабат билан 1992 йил 9 декабрь қонуни ушбу санадан ўз кучини йўқотди.

Биз бугун сўзламоқчи бўлган қонун — 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган "Хўжалик ширкатлари тўғрисида"ги қонундир. Қонун 3 боб, 31 моддадан иборат бўлиб, унда хўжалик ширкатига таъриф берилади, ширкат устав фондига қўшадиган ҳамда унга қабул қилинадиган учинчи шахснинг ҳиссаси ҳам устав фондининг манбалари бўлиши мумкин.

Коммандит ширкат нима? Ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг бутун мол-мулклари билан жавоб берадиган иштирокчилар (тўлиқ шериклар) билан бир қаторда бу фаолият билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар доирасида жавобгар бўладиган ҳамда ширкат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда иштирок этмайдиган бир ёки бир неча иштирокчи (ҳисса қўшувчи, коммандитчи) мавжуд бўлса, бу ширкат **коммандит ширкат** ҳисобланади.

Хўжалик ширкат иштирокчиси қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга? Хўжалик ширкати иштирокчиси ишларни бошқариш, у тўғрисида тегишли ахборот олиш, фойдани тақсимлашда иштирок этиш каби **ҳуқуқларга;** белгиланган тартибда, миқдорларда, усул ва муддатларда ҳисса қўшиш, хўжалик ширкатининг фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмаслик **мажбуриятларига** эга.

Бир сўз билан айтганда, қонун бугунги кунда ишламоқда, амал қилмоқда.

Миродил БАРАТОВ,
Шоира ЙЎЛДОШЕВА

ТАРБИЯНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ТОПА ОЛЯПМИЗМИ?

Mulohaza

I.

Автобусга бири-биридан чиройли қизлар чиқишди. Ёшликка хос жозиба, мафтункорлик акс этиб турарди уларнинг юз-кўзларида. Назаримда, улар қайсидир институт талабалари эди. Одамнинг сиртига қараб баҳо бериш қийин экан. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ҳалиги қизлар билан кондуктор орасида даҳанаки айтишув бошланиб кетди.

— Бу билет сизники эмас. Марҳамат қилиб пул тўланг! Акс ҳолда жарима тўлашга мажбурсиз, — деди кондуктор ҳалиги қизлардан бирига.

— Конкретно, тўламайман! Студенческий билетим бор.

— Студенческий билет сизники эмас, нега ёлғон айтасиз? Арзимаган юз сўм учун жанжаллашишга уялмайсизми?

— Э, боре, шу ерда ишлашингни ўйлаб кўр "Разбор" қип қўядиган одамларимиз бор! — дея гапга қўшилди қизлардан бири.

Кондуктор йўловчи қизнинг дағдағасидан кўрқди шекилли, у билан айтишишни бас қилиб, нари кетди. Энди автобусдаги уч гўзал ўрнида лўттибозлар кетарди.

II.

Азиза хонамга хуноб бўлиб кириб келди. Ҳар доимгидан шашти пастлиги мени ажаблантирди.

— Тинчликми, хафа кўринасиз?

— Э, Мухлисадан жуда чарчадик, умуман тарбияси "нол". Ҳар қадамда кимнидир "чақади". Бугун эса дарс ўтаётган домламизга халақит берди. Домла уни тартиб-интизом сақлашга чақирган эди, дўқ-пўписа қилиб, "Уйингизга етиб олишингизни ўйланг. Бир телефон қилиб қўйсам паттангизни қўлингизга тутқазишади" деди. Мухлиса на ўқитувчиларни, на курсдошларини ҳурмат қилади. Ота-онаси қандай одамлар экан, жуда ҳайронман. Икки гапининг бирида курсдошларини ҳақорат қилаверади. Унинг бирорта ҳам яқин дўсти йўқ. Энг яхши кўрган сўзи "келгинди", "харип". Ахир шунақа сўзларни ишлатиш сўзлашиш маданиятига тўғри келадими?

Энг фаол талаба қиз бўлгани учун Азизани жуда ҳурмат қиламан. У танқид қилаётган Мухлисани ҳам биламан. Аммо начора, бу икки қиз бир-биридан ер билан осмонча фарқ қилади. Мен Азизага "Қўйинг, хафа бўлишингизга арзимайдиган қиз" дея тасалли бердим.

III.

Университетнинг юқори қаватларига хизмат қиладиган лифт олдида талабалар, ўқитувчилар тўпланиб туришарди. Эшик очилди. Лифт хонаси бўшагач, у бир пасда қайтадан тўлди. Шу пайт талабалардан бири ёши ўтинқираган ўқитувчи опадан сўради:

— Кеннойи, тарих кафедраси нечанчи қаватда?

— Кеннойинг уйингда, мен эса домламан. Ҳеч қурса, опа деб мурожаат қилсанг бўларди.

— Нима, кеннойи эмасмисиз? Аёлларга кеннойи, ёши катта бўлса хола деб мурожаат қилишади! — йигитча қойилмақом гап айтдимми, дегандек лифтда турганларга бир сидра назар солиб чиқди.

— Бу ер маҳалла ёки уй эмаски, шундай десанг! Ўқув юрти бўлгач, опа ёки домла деб сўзлашиш керак! Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор! — уларнинг суҳбатига аралашган шляпали, кўринишидан шу даргоҳда дарс берадиган ўқитувчи қўшилди.

Ҳар ким ўзи истаган қаватда тушиб қолаверди. Тарих кафедрасини сўраган талабага эса ҳеч ким йўл ҳам кўрсатмади. У ўзининг ножойз гапи билан ҳеч кимда яхши таассурот қолдирмади.

* * *

Юқоридаги сингари нохуш ва салбий ҳолатлар, афсуски, кунда, кунаро бизнинг кўз ўнгимизда рўй бериб турибди. Бу каби воқеаларни кузатиб туриб, кўнглим хижил тортади. Ёшларни маънавий етук қилиб тарбиялаш борасида қанчадан-қанча тадбирлар, йиғину баҳс-мунозаралар олиб бормаяпмиз? Наҳотки булар самара бормаётган бўлса, дея ўйга толаман.

Таълим — ўз йўлига. Аммо тарбиянинг залвори ундан-да кучлироқ. Билим эгаллаш учун аниқ дастур ва режалар мавжуд. Тарбиянинг методларини эса ўзимиз ўйлаб топшимиз керак.

Университетимизда маънавий-маърифий тадбирларни ривожлантириш ва унинг самарасини белгилашга бир қадар аҳамият берилаётган бўлса ҳам, булар етарли эмас. Маънавий руҳдаги анжуманлардан ташқари ички тартибда қўллайдиган тамойиллар ҳам жорий қилинган. Масалан, **устозлик савоби ва шарафи. Устозлик бурчи, ўрнаги. Ҳамкасблар муносабати. Ёш педагоглар ва улар маҳоратини ошириш. Доимо янгиликка интилиш. Талабаларнинг руҳий дунёсини ўрганиш. Иқтидорли талабалар билан ишлаш. "Муаммоли" талабалар. Сизнинг индивидуаллигингиз.**

Бу тамойилларни тарбия жараёнига киритганлигимиз ўз самарасини бера бошлади. Бу, талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларида, анкета-сўров варақалари таҳлилида, кўриктанловларда сезилмоқда. "Президент асарлари билимдони", "Конституциямиз — бахтимиз қомуси", "Иқтисод билимдони", "Танлаган касбим — менинг фахрим", "Анбар Отин ижоди", "Шарқ педагогикаси дарғалари" мавзусида ўтказилган тадбирларда ҳам талабаларнинг бефарқ эмаслиги, қандайдир даражада ўзларини кўрсатишга интилишларини сездик. Хусусан, I-курс талабаси Муҳайё Дилшодованинг фикри буни тасдиқлайди: "Мактабда тадбирларга зерикарли ва вақт йўқотиш деб қарардим. Иқтисодиёт университети талабаси бўлганимдан бери ҳеч бир тадбир менсиз ўтмайдигандек туюлади".

Ёшлар билан ишлашдаги тарбиявий ёндашувларни бир тизгинга солишга ёрдам берадиган бу тамойилларни, агар амалга ошира олсак, маънавият ва маърифат бобида жиддий ўзгариш ясаган бўламиз. Педагогика соҳасида узоқ йиллар тадқиқот олиб берган олима сифатида шуни айта оламанки, таълим муассасасидаги шахс камолоти учун қилинаётган ишлар агар оқилона, одилона ва таъсирчан руҳда олиб борилса, кўзланган муддаога эришилади.

Замира БАУБЕКОВА,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети "Маънавий-маърифий услубий ишлар" раҳбари

ЖАМОАТЧИЛИК ЖИПСЛИГИ ТИНЧЛИК КАФОЛАТИ

Tanlov

Республика ички ишлар идоралари тизимларида ўтказилаётган ислоҳотларнинг яхши амалга оширилиши унинг самарасини белгилайди. Яқинда намунали милиция таянч пунктлари ўртасида бўлиб ўтган Республика конкурс-кўргазмасида Наманган вилояти Давлатобод туманидаги "Тўқувчи" маҳалласида жойлашган 3-сонли милиция таянч пункти Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари орасида 1-ўринни эгаллади. Ушбу ғолиб милиция таянч пункти профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Шуҳрат Мукаррамовга Республика Ички ишлар вазирлигининг мукофоти — "Тико" автомашинаси топширилди.

Шу муносабат билан Наманган вилояти Давлатобод тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Раҳимжон Каримов бизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Мазкур 3-сонли милиция таянч пункти "Тўқувчи" маҳалла фуқаролари йиғини билан бир бинода жойлашган бўлиб, бу ерда профилактика инспектори, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш инспектори, маҳалла посбонлари, педагог-тарбиячи, маҳалла фуқаролар йиғини раиси фаолият кўрсатади.

Давлатобод тумани ИИБ профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Шуҳратжон Мукаррамов Ички ишлар идораларида 1999 йилдан, эгаллаб турган лавозимида эса 2001 йил июль ойидан буён хизмат қилиб келмоқда.

2001 йил мобайнида маҳалла ҳудудида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ҳамкорликда иш ташкил этилганлиги туфайли жиноятларнинг бирмунча камайишига эришилди. Милиция таянч пунктида 32 нафар муқаддам судланган, 37 нафар сурункали спиртли ичимлик истеъмол қилувчи, 16 нафар оилавий жанжалкаш ва гиёҳвандликка ружу қўйган 1 нафар шахс ҳисобда туради. Улар билан доимий равишда профилактик суҳбатлар олиб борилмоқда. Бунда вояга етмаганлар орасидаги ҳуқуқ-бузарликларнинг олдини олиш борасида Исматованинг саъй-ҳаракатларини ҳам эътироф этиш мақсадга мувофиқ. Раиса жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келган 7 нафар шахсга оилавий шароитларини эътиборга олган ҳолда маҳалла томонидан ёрдам кўрсатилишини ташкиллаштирди. Аҳоли билан доим йиғилишлар ўтказиб, диний экстремизм ва терроризмнинг оқибатлари мавзусида суҳбатлар уюштирди.

Турмушнинг мушти, рўзғорнинг ғори бор, деганларидек, оилада гоҳида тортишувлар, жанжаллар ҳам бўлиб туради. Маҳалла хотин-қизлар комиссияси аъзолари эса яраштириш комиссияси аъзолари билан биргаликда уларни муросаю мадорага чақириб туради. Айниқса, бунда маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раисаси Сабоҳат Шокированинг алоҳида ўрни бор. Чунки 2002 йил мобайнида хотин-қизлар ўртасида 9 маротаба ҳуқуқий мавзуларда суҳбатлар ўтказиб, 38 та оилавий муаммоларни ҳал этишда қатнашиб, 13 та оилани ажралиб кетишдан сақлаб қолди. Маҳалла педагог-тарбиячиси Фатҳиддин Мўминов эса эгаллаб турган лавозимида қисқа муддат ишлаётганлигига қарамасдан, 3 маротаба бокс, волейбол ва югуриш бўйича мусобақалар уюштирди. Маҳалла ҳудудида жойлашган умумтаълим мактаблари билан ҳамкорликда иш олиб бориб, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган 4 нафар вояга етмаган болаларни тўғракларга жалб этди.

Хуллас, ҳамкорликда ҳикмат кўп деганларидек, маҳаллада жамоатчиликнинг ва милициянинг ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Шу боис, туманимиздаги ушбу маҳаллада жойлашган милиция таянч пункти нафақат вилоятимизда, балки, Республикамизда ҳам ғолиб бўлди. Албатта бу бизни янада яхши ишлашга, бошқа маҳаллалардаги милиция таянч пунктларини ҳам шундай даражага етказишга ундайди.

Шуҳрат РЎЗИЕВ
суҳбатлашди.

ХАТИРЧИНИНГ ДАРВОЗАСИ

Бу юртни қалдирғочлар ҳар йили йўқлайди. Ўзлари суйган ошёнларига ин қуришади. Меҳру шафоатли жойларни танлашади. Қалдирғочлар ин қурган хонадонларда ўзгача сурур бор. Қушларнинг вижир-вижири бор.



Xotira

Хатирчилик Жалолиддин Ражабовнинг уйида ҳам шундай сурур бор эди. Ҳамиша меҳри тортиб келган дўстлар билан гавжум бўларди. Бу уйда туғилиб камолга етаётган ўн фарзанд билан, оқила, куйди-пишди, тадбиркор она, бека — Фарида опанинг чекичегараси йўқ меҳри билан янаям мукаммал эди бу уй.

Хатирчи Пўлкан шоирлар сулоласи билан, уламолари — Ғайбулла Саломов, Тўхтамурод Бобоев билан таниқли. Бу юртда шоирлар, олимлар кўп меҳмон бўлишган. Дўстларини, хатирчиликларни йўқлаб келишган. Хатирчига келган ҳар бир илму адабиёт, маданият вакили албатта Жалолиддин Ражабов билан учрашарди. Ё аввалдан таниш бўларди, ё хатирчиликлар фахр билан Жалолиддин акани рўпара қиларди.

Зар қадрини заргар билади-да. Жалолиддин Ражабов хуш-хандон суҳбатларни, учрашувларни, меҳмоннавозликни ўрнига қўярди.

Лозим бўлса катта давраларни бошқарар, керак бўлса ҳозиржавоблик билан латифалар тўқиб ташлар, пайти келса най, ғижжак чалар, ёнидагиларни оҳанрабодек ўзига тортар, гоҳ донишлар каби сўзлар, гоҳ ёш боладек завқланиб эшитдию, юртига учиб келди. Ҳеч онасининг гапини икки қилмади, иззатини жойига қўйди: Отасининг саккизта новвойхонаси бўлар экан. Ғарибу ғураболарнинг қўлтиғига бир жуфт нон қистириб юборар экан. Кўплар отасини алқаб эслашади. Жалолиддин отаси ўлганда хивични от қилиб, миниб юрган болакай эди.

Бахтига онаси 92 ёшга кирди. Ёлғизи Жалолиддиннинг ўн фарзандини кўрди. Келини — чаққон, ширин сўз Фариданинг меҳрини туйиб, хизматидан баҳраманд бўлиб, ҳотиржам кўз юмди. Жалолиддин Ражабовнинг ўспиринлиги уруш даврига тўғри келди. Урушнинг ҳамма жабру жафолари унинг ҳам бошидан ўтди. Далаларда ҳисобчилик, мактабда ўқитувчилик қилди. Уруш тугагандан сўнг ЎзДУда ўқиди. Онасининг йўқлови билан Хатирчига қайтгач, яна ўқитувчилик билан шуғулланди. Унинг ғайратига, тафаккур ғалаёнига синф хоналари торлик қилар эди. 1972 йилдан бошлаб Хатирчи тумани "Янги ҳаёт" газетасига муҳаррирлик қилди. Бу даврда унинг фидоий, сўз устаси, ташкилотчи экани, раҳбарлик қобилияти янада ёрқинроқ кўринди.

Хатирчининг тўлқинли ҳаёти газетада ўз аксини топар эди. Қанча истеъдодлар кашф қилинди.

Ўзим ҳам ийманиб, янги шеърларимни олиб таҳририятга борардим. Жалолиддин ака бағрикенглик билан, хушнудлик билан кутиб оларди. Шеърлар, мақолаларимни газетада эълон қилар, янги мавзуларда ёзишга ундар эдилар.

Жалолиддин Ражабовнинг саъй ҳаракати билан янги таҳририят биноси қурилди. Бу туманда маънавий ҳаёт учун амалга оширилган улкан иш эди. Ж.Ражабов 1977-1987 йилларда туман марказидаги 33-ўрта мактаб директори бўлиб ишладилар.

Ҳароб бўлаёзган мактабни кўриб чидаб туролмади. Янги мактаб биносининг қурилишига бош бўлди. Мактабда спорт, ҳарбий, ўқ отиш майдончалари қурилди. Йўлаклар асфальтланди, мактаб бадиий ҳаваскорлари учун керак бўлган барча жиҳозлар сотиб олинди. Овоз кучайтиргич, микрофон, чолғу асбоблари — ҳамма-ҳаммаси!

Ўзи санъатга яқин одам эди. Най билан ғижжакни эзиб чаларди. Дўстлар даврасини ҳозиржавоблиги, латифалари, шеърлари билан безагани устига, най навоси, ғижжак садолари билан ҳам безар эди. Унга кўнглини берган дўст айрилгиси келмас эди. Унинг топ-тоза бола кўнглини, қўшиқларга тўла қалбини излаб узоқ-узоқлардан келишарди. Ул киши сабаб Хатирчи шаънига гўзал сўзлар айтиб қўйилар эди.

Жалолиддин Ражабов ҳаёти фаолияти давомида нашр ниҳоятда ҳурматлар, эъзозлар, сухбатларини олар эдилар.

Адабиёт аҳли, санъат аҳли, истеъдод учқуни борки, унинг дўстлари эди.

Жалолиддин Ражабовнинг ҳозиржавоблиги тилларда достон бўлган эди. Жалолиддин ака ёлғиз ўғил бўлгани учун, онаси набиралари кўп бўлишини орзу қиларди. Шундай бўлди ҳам. Сочи бир қиз, ўзи бир қиз, муаллима келин Фарида бу оила орзуларига қоришиб кетди. Рўзғор тутиши ҳам севгиси каби чиройли эди. Ёзувлари териб ёзгандек эди. Олти қиз, тўрт ўғилни вояга етказди. 41 йил ўқитувчилик қилди. Бошланғич синф ўқувчиларини ўқитди, минг-минглаб шогирдларига ҳарф танитди. Меҳнат фахрийси бўлди. "Шуҳрат" медали билан мукофотланди.

Бир куни бир йигит Жалолиддин аканинг уйини сўраб келди. Хатирчининг энг сара майизидан салкам бир халта ташлаб кетди. Фарида опа суйиниб қолди. Эри ишдан келгач: — Қандай яхши майиз бердириб юборибсиз? Раҳмат, болалар бир яйрайдиган бўлди, — деди.

— Қачон?

— Бугун, бир киши келтирди.

Воқеанинг тагига етса, бир ҳожати тушган киши экан.

— Фарида, майизга тегманглар. Болаларга бозордан олиб келамиз, деди. — Мен бировнинг ҳақини еб ноҳақ иш қилолмайман.

Эртасига ўша киши келиб ечилмаган халтани олиб кетди.

Болалар мактаб интернатида ҳам шунга ўхшаш "шакар воқеаси" бўлган эди. Жалолиддин ака ёш болага ўхшаб кўзлари жовдираб, йиғлаб:

— Фарида, одамлар етимларнинг ҳақига ҳам хиёнат қилишар экан, деган эди.

Ҳалол нон еб улғайган ўғил-қизларнинг ҳаммаси турли касб эгалари. Ували-жували. 2000 йилда бандаликни бажо келтирган отасининг тоза исмига лойиқ фарзандлар. Турли касб эгалари бўлишган, томирларида тоза қон оқади.

Жалолиддин Ражабов ўз шеърида шундай ёзган:

Бағринг тўла ризқ-нон Ватан,
Ўзингга бек, ўзинг хон Ватан.
Қалбинг тўла иймон Ватан,
Сўрсанг берай жон Ватан.

Зеро, ўзи ёниб севган Ватанига жо бўлиб кетди. Шундай фидоий инсонлар ҳаёти бугунимизга ибрат бўлса; пешлавҳаларда номи битилган бўлса, қандай соз бўларди... Кўпларнинг кўнглидаги гап бўларди.

Жалолиддин Ражабов номи — эъзозларга лойиқ ном!

Хосият БОБОМУРОДОВА

Суратда: Ж.Ражабов Ойбек ёнида

ОРЗУЛАРДАН ЯРАЛГАН ОЛАМ

Ҳали у ерда, ҳали бу ерда муаллим ва устозлар ҳусусидаги баҳс ва тортишувларга дуч келиб қоламиз. Кимдир, қайсидир устозини, ўқиган мактабини мақтаб гапиради. Яна кимдир бунга акс фикр билдиради. Худди ана шундай пайтларда беихтиёр кўз ўнгимда камтарин ва фидойи муаллима, рисоладагидек мушоҳадали раҳбар, иқтидорли олима Мамлакатхон Қодирова гавдаланади. Шахсан ўзим Мамлакатхон опани педагогик фаолияти орқали қўпдан буён биламан. У киши билан таълимимизнинг бугунги ютуқлари, қолаверса, оғриқли нуқталари ҳусусида бир неча бор баҳслашишганим ҳам бор.

Мамлакатхон Қодирова 1970 йилда Қарши шаҳридаги Й. Охунбобоев номидаги 29-мактабни аъло баҳоларда тугатган. У ўқитувчилар оиласининг фарзанди бўлганлиги учун ҳам ота касбини танлади. Аввалига Қарши Давлат педагогика олий ўқув юртининг чет тиллар факультетини инглиз тили мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан, сўнгра шу олий даргоҳнинг тарих факультетини ҳам имтиёзли диплом билан битирди.

М.Қодирова 15 йил давомида мактабда муаллимлик қилди. Ёшларга илму одоб ўргатди. Мактабда муаллимлик қилиш билан бир вақтда ўз устида тинимсиз ишлади, тарих фанидан олиб борган илмий тадқиқотини ниҳоясига етказди. Бу иш у кишининг "Тарих фанлари номзоди" деган илмий даражага сазовор топилишига туртки бўлди.

—Мактабни, болаларни жонимдан ҳам яхши кўраман, — дейди болаларча беғуборлик билан Мамлакатхон опа. — Улар ҳамма вақт биз катталарга софлик ва покликни эслатиб туришади. Улар шунчалар беғубор, шунчалар самимий... Мен муаллимлик касбини энг улуғ касб, деб ҳисоблайман. Мабодо менга ҳаётга иккинчи бор келиш тақдир қилганда ҳам яна муаллимлик касбини эгаллаган бўлардим.

Ta'lim jonkuyarlari

Биз Мамлакатхон Қодированинг ортда қолган ҳаёт йўлига назар ташлар эканмиз, бу йўл нақадар сермаҳсул ва масъулиятли эканлигига гувоҳ бўламиз. 1975-1990 йилларда ўрта мактабда оддий муаллима, 1990-1991 йиллар давомида Қарши шаҳридаги 29-мактабда директор, 1991-1996 йиллар мобайнида эса Қарши шаҳар ХТБ мудираси, 1996-2002 йиллар 34-мактабда директор, 2002 йилнинг октябр ойидан буён яна Қарши шаҳар ХТБ мудираси.

Яратган Эгам аёлга гўзаллик, латофат ва меҳр бахшида этаётганда, унга ўзига хос кучли ирода, фидойилик, сабр-бардош ва она юрт ҳисси билан ёниб яшаш каби туйғуларни ҳам ато этганига шубҳамиз йўқ. Бунга биргина Мамлакатхон Қодирова мисолида яна бир бор иқрор бўлдик.

Абдували ОБИДДИН

САУДИЯДА КЛОНЛАШТИРИЛГАН ЧАҚАЛОҚ ТУҒИЛДИ

"Clonaid" компанияси президенти Брижит Буаселье хоним "Ал-Ҳаёт" газетасига берган интервьюсида тўртинчи клонлаштирилган чақалоқ Саудия Арабистонида туғилганлигини айтган. Қироллик шифохоналаридан бирида дунёга келган гўдакнинг ота-оналари Саудия фуқаролари бўлиб, бепушт эр-хотинлар 1999 йили "Clonaid"га ёрдам сўраб, мурожаат қилишган. Уларни тиббий текшириш ва даволаш ишлари Парижда ўтказилган бўлса-да, бўлғуси онанинг ҳомиладорлик даври Саудия Арабистонда кечган. Ҳозирда, эркак жинсига мансуб болакайнинг аҳволи яхши ҳолатда. Бундан ташқари компания президенти клонлаштириш араб дунёсида катта қизиқиш уйғотганлигини, ҳатто Ливан, Марокаш каби бир неча мамлакатлардан ёрдам сўраб, мурожаат қилганлар кўпчиликни ташкил этишини айтган.



ФРАНЦИЯ, РОССИЯ ВЕТОДАН ФОЙДАЛАНМОҚЧИ

Франция президенти Жак Ширак маҳаллий телеканаллардан бирига берган интервьюсида Ироқ бўйича муҳокама этилаётган 2-резолюция борасида ўз фикрини билдирди. Унинг айтишича, Ироққа нисбатан куч ишлатиш учун зарурият йўқ. Агарда АҚШ, Буюк Британия ва Испания томонидан илгари сурилаётган мазкур резолюция бордию Хавфсизлик Кенгаши аъзоларининг розиликларига эришса, у ҳолда расмий Париж ўзининг вето ҳуқуқини ишга солади. Лекин, Ширак резолюция 15 аъзонинг камида тўққизтаси томонидан қўллаб-қувватланишига ишонгани йўқ.



Африка давлатлари бўйлаб сафарга чиққан Франция ташқи ишлар вазири Доминик де Вилльпен Ангола президенти Хосе Эдуардо Дос Сантос билан музокаралар ўтказди. Шунингдек, у Камерун ва Гвинеяда ҳам бўлади. Унинг мақсади Хавфсизлик Кенгашига аъзо ҳисобланмиш бу мамлакатларни Ироққа нисбатан уруш очмасликка кўндиришдир.

Россия ҳам шу кунга қадар ўз норозилигини айтиб келган бўлса-да, кеча янги резолюцияга нисбатан вето ҳуқуқидан фойдаланишини очиқ-ойдин маълум қилди. Россия ташқи ишлар вазири Игор Ивановнинг билдиришича, янги резолюцияга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ.

КОРЕЯНИНГ ИККИНЧИ РАКЕТАСИ УЧИРИЛДИ

Жанубий Корея мудофаа вазирлигининг маълум қилишича, куни кеча шимолликлар Япон денгизида янги ракета синовини амалга оширишган. Бу Пхеньяннинг сўнгги уч ҳафта ичида иккинчи бор учирган ракетаси саналади. Унинг биринчиси эса 24 феврал куни Жанубий Кореянинг янги президенти қасамёд қабул қилган санада учирилган эди. Японияннинг "Киодо" агентлигининг билдиришича, синовдан ўтказилган иккинчи ракета баллистик ракеталар туркумига кирмайди. Ракета парвозидан бироз аввал эса, Шимолий Корея ўзининг ядровий дастурини қайта тиклаганлиги боис, АҚШ у билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб боришни рад этган эди. Бугун ядро қуролига эга бўлишга интилаётган Пхеньяннинг ҳаракатлари нафақат минтақа давлатларини, балки, жаҳон ҳамжамиятини ҳам ташвишга солмоқда.

БИН ЛОДЕН ТИРИКМИ?

Ўтган ҳафта Покистонда ҳибсга олинган Холид шайх Муҳаммад 2002 йилнинг декабр ойида "Ал-Қоида" раҳбари Усама бин Лоден билан учрашганлигини айтган. Ўз тарихида илк бор матбуот анжумани ўтказган По-кистон разведка агентлиги "ISI" вакилларининг билдиришларича, шайх Муҳаммаднинг гапларига ишониш қийин. Чунки у бин Лоден билан қаерда учрашганлигини айтмаяпти. Шунингдек, шайх ёнидан хат ҳам топилган бўлиб, Муҳаммаднинг тасдиқлашича, у бин Лодендан келган экан.

Бағдодга қарши урушга тайёргарлик кўраётган Америка ва Британия ҳукуматлари эса амалиётлар бошланганидан сўнг, Форс кўрфазида турган ўз қўшинларига нисбатан "Ал-Қоида" томонидан ҳужумлар уюштирилишидан ҳавотирга тушмоқдалар. Шу боис, кўрфаздаги кемалар учун кечаю кундуз ҳаво патруль хизмати йўлга қўйилди.

НАТИЖАСИЗ ЯКУНЛАНГАН УЧРАШУВ

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Кипрдаги Грек ва Турк жамоатчиликлари раҳбарлари Тассос Пападопулос ва Рауф Денктошлар билан ўтказган музокараси натижасиз якунланди. Учрашув Денктошнинг иккига бўлинган Кипрни бирлаштириш мақсадидаги БМТ лойиҳасига тайёр эмаслигини маълум қилганидан сўнг, Пападопулоснинг йиғиндан норозилик кайфиятида чиқиб кетиши билан якунланди. Турклар раҳбари Рауф Денктошнинг Журналистларга берган интервьюсида БМТ режасида Грек қочоқларининг қисман қайтишлари кўзда тутилган. Бу эса кўплаб туркларнинг уйларини бўшатиб беришларига тўғри келади, дея айтган. Шунингдек, Кофи Аннан Греция, Туркия, Буюк Британия давлатлари вакиллари билан ҳам музокаралар ўтказди.



ВАКИЛЛАР ЧЕЧЕНИСТОНГА ЮБОРИЛМАЙДИ

23 март куни Чеченистонда конституция тўғрисида референдум ўтказилишини ижобий баҳолаган Европа Кенгашининг Парламент Ассамблеяси ўз вакилларини референдумга кузатувчи сифатида юборилмаслигини маълум қилди. Бунга ўз экспертларининг хавфсизликларини таъминлаш масалалари сабаб бўлди. Бу ҳақда Европа кенгашининг Парижда ўтказилган навбатдаги йиғилишида келишиб олинди. Чеченистон республикаси конституциясини қабул қилиш бўйича ўтказилажак референдум натижалари эса Кенгашнинг 31 март кунига режалаштирилган йиғилишида муҳокама этилади.

"Интернет" тармоғидан олинди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги жамоаси вазирликнинг бошқарма бошлиғи Т.Муҳиддиновга синглиси
МАЙРАМХОНнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси жамоалари хорижий филология факультети декани, профессор Абдузуҳур Абдуазизовга онаси
ҲИКОЯТ аянинг
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

1-Тошкент Педагогика билим юрти жамоаси билим юрти кутубхонаси мудираси Дилфуза Ҳидоятовага онаси
КАРОМАТ аянинг
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети География факультети жамоаси Урганч Давлат университети География кафедраси мудири
Рустам ҚУРБОННИЁЗОВнинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва университет жамоасига таъзия изҳор қилади.

БАРКАМОЛЛИК БАХШ ЭТУВЧИ МАНБА

Salomatlik garovi

Давлат келажагининг буюклиги ҳар томонлама етук баркамол кишилар билангина таъминланади. Шу боис бугун соғлом авлодни тарбиялаш ишига республикамизда алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртимизда спортни янада равнақ топтириш учун 2002 йил 24 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонининг эълон қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Эндиликда ёшларни спортга кенгроқ жалб этиш, уларни жисмоний жиҳатдан тўғри ривожлантириш, организм ишлаш қобилиятини ошириш учун шароит яратилади.

Биз қуйида Ўзбекистон иқлими шароитида спорт билан шуғулланишнинг нафас олиш органи — ўпканинг фаолиятига қандай ижобий таъсир этиши билан танишиб ўтамиз. Маълумки, одам ҳаводан нафас олиб, ўпка орқали кислородни қабул қилади ва карбонат ангидрид чиқаради.

Кислород организм учун ниҳоятда зарур бўлиб, у ҳужайра, тўқима ҳамда ҳар қайси органнинг фаолиятида сарфланадиган энергия ҳосил қилиш жараёнида актив қатнашади. Айниқса, органик бирикмаларнинг парчаланиши ва оксидланишида кислород доимий равишда талаб қилинади.

Жисмоний меҳнат, спорт билан мунтазам шуғулланиш нафас олиш органларининг фаолиятини янада кучайтиради, организмнинг чиниқишини таъминлайди. Аммо спорт билан мунтазам шуғулланмайдиган болалар ўз тенгқурларидан физиологик кўрсаткичлар бўйича катта фарқ қиладилар. Жисмоний иш вақтида нафас олиш тезлиги ниҳоятда ошиб кетмаслиги, организмнинг кислородга бўлган талаби чуқур нафас олиш ва олинган ҳаводан унумли фойдаланиш ҳисобига қондирилиши, ўпканинг тириклик сиғими катталашганлигини, нафас олиш мускулларининг чиниққанлигини ва кўкрак қафаси айланаси ҳажмининг ортганлиги каби жисмоний чиниқиш белгилари спорт билан мунтазам шуғулланувчиларда кўзга яққол ташланади. Спорт билан шуғулланмайдиганларда эса юқорида айтилган жисмоний чиниқишнинг белги ва хусусиятлари шаклланмайди. Биз буларни илмий кузатиш ва ўтказилган тажрибаларимиз натижаларига таянган ҳолда ифодалашга ҳаракат қиламиз.

Илмий кузатиш ва амалий тадқиқот вақтида футбол, енгил атлетика, гимнастика ва сузиш каби спорт турлари билан шуғулланувчи 11-16 ёшли 503 нафар ўқувчида (шундан 109 нафар қиз бола) спирометрик ўлчовлар асосида ўпканинг тириклик сиғими, нафас олган вақтдаги кўкрак қафасининг кенгайган ҳолати ўрганилди. Шунингдек, 11-12 ёшли ҳамда 16-17 ёшли 60 нафар ўқувчида (футбол, енгил атлетика, гимнастика билан шуғулланувчилар) нафас олиш тезлиги, томир уриши, ўпка вентиляцияси, тана температураси асосий алмашув вақтида, тинч ҳолатда ўлчанди.

Олинган маълумотлар спорт билан шуғулланмаган шу ёшдаги болалар ўпка тириклик сиғими билан таққосланганда, тадқиқот ўтказилган спортчиларда 11 ёшдагидан 16 ёшдагиларникигача ўпка тириклик сиғимининг анча катталашганлиги маълум бўлди. Масалан: ўпка тириклик сиғими спорт билан шуғулланмайдиган болаларда: 11-12 ёшда 1680-1900 см³, 15-16 ёшдаги болаларда 2700-3250 см³, қизларда 11-12 ёшда 1500-1700 см³, 15-16 ёшда 2500-2800 см³ бўлса, ёш спортчиларда: ўғил болаларда 11-12 ёшда 2013-2250 см³, 15-16 ёшда 3200-4000 см³ лиги аниқланди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, спорт билан мунтазам шуғулланиш ўпка тириклик сиғимининг сезиларли даражада катталашувига олиб келган.

Ёш спортчиларда кўкрак қафаси доирасининг нафас олган вақтда кенгайиши билан нафас чиқарган вақтдаги торайиши орасида (11-12 ёшли ўғил болаларда —5,8-6,8 см, қиз болаларда 5,6-7,0 см, 15-16 ёшдагиларда: ўғил болаларда 8,3-8,7 см, қиз болаларда 6,1-7,5 см) фарқ қилиши кўринди. Худди шунингдек, тинч (пауза) ҳолатдаги кўкрак қафаси доираси ёшга қараб тез ривожланганлиги (11-12 ёшли ўғил болаларда 74-77 см, 15-16 ёшли ўғил болаларда 93-94 см) аниқланди.

Бу кўрсаткичлар албатта, спорт билан шуғулланмаганларда анча паст бўлади.

Спортчиларда нафас олиш тезлиги ҳам ўзига хос характерга эга. Улардаги кислородга бўлган эҳтиёж тез нафас олиш ҳисобига эмас, чуқур нафас олиш ҳисобига қондирилади. Спортчи бўлмаган болалар бир минутда (асосий алмашинувда, тинч ҳолатда) 11-12 ёшдагилар 18-19 марта, 15-16 ёшдагилар 16-17 марта нафас олса, ёш спортчилар 11-12 ёшдагилар 16-17 марта, 15-16 ёшдагилар 13-15 марта нафас олиши маълум бўлди.

Юқоридаги рақамлар спортчилар организмида нафас олишда қатнашадиган мускуллар иш фаолияти ошганлиги, яхши тараққий этганлигидан далолат беради. Спорт билан мунтазам шуғулланиб бориш натижасида кўкрак қафасидаги нафас олишда қатнашувчи қовурғалар, кўкракнинг катта ва қорин мускулларининг ҳамда диафрагманинг ўсиши ҳамда ҳаракатчанлиги таъминланади. Бу эса кўкрак қафаси ҳаракатини оширади. Натижада нафас олишда кўкрак қафасидан ташқари, қорин мускуллари фаол иштирок этиши сабабли чуқур ва кўпроқ нафас олинади. Бу билан ўсаётган ёш организмнинг жисмоний машқ вақтида кислородга бўлган талаби тез қондирила боради.

Демак, спорт билан шуғулланиш организм учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Ёш авлодни спорт билан шуғулантиришни ёшига мослаб ташкил этиш уларнинг ҳам жисмоний, ҳам ақлий жиҳатдан тўлиқ ривожланишига олиб келади. Машқларнинг ортиқча берилиши ёшларга салбий таъсир этиб, организмнинг толиқишига олиб келади. Бу эса мускулларнинг иш фаолияти бузилишига сабаб бўлади. Бундай ҳолат рўй бермаслиги учун одам анатомияси ва физиологияси, жисмоний тарбия ўқитувчилари ва мураббийларининг роли беқиёс. Ҳар куни эрталабки гимнастика машқларини мунтазам бажара бориш, спортнинг маълум тури билан боланинг ёшига қараб шуғулланишини, шунингдек, спорт билан меъёрдан ортиқча шуғулланишнинг салбий томонларини ўқувчиларга тушунтира бориш керак.

Жисмоний тарбия дарслари ўтказиладиган жойда чанг бўлмаслигини таъминлаш керак. Сир эмас, кўпгина мактабларда бундай ҳолатларга эътибор берилмайди, спорт майдончаларига машғулотдан олдин сув сепилмайди, гигиена талабларига риоя қилинмайди. Иссиқ иқлимли Ўзбекистон шароитида бунга ниҳоятда эътибор қаратилиши лозим. Йўқса, ўқувчиларнинг соғлиғини яхшилаш ўрнига турли юқумли касалликларнинг келиб чиқиш ҳолатлари кузатилиши мумкин. Ўқитувчи ўқувчилардан машқлар вақтида доимо бурун орқали нафас олишларини талаб қилиши ҳамда бунинг аҳамиятини тушунтириши лозим. Бурун орқали нафас олинса, чанг ва касаллик тарқатувчи микроорганизмлар бурун ичидаги туклар орқали, бурун ички деворида ушлаб қолинади, кираётган ҳаво исийди, бу эса ўпкани шамоллашдан сақлайди.

Демак, ёшларнинг спорт машғулотларини тўғри ташкил қилиш уларда спортга бўлган муҳаббатни янада оширишга, жисмоний тарбиянинг янада кенг амалга оширилишига, шунингдек, Ватанимизнинг спорт шарафини ҳимоя қилувчи ажойиб спортчилар етишиб чиқишига яқиндан ёрдам беради.

Қ.ҚОДИРОВ,
ЎДЖТУ доценти, биология фанлари номзоди

ЮЛДУЗ ОЛИЙ ЛИГАДА

Пойтахтимизда шахмат бўйича аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг биринчи лига мусобақаларида олий лигада иштирок этиш ҳуқуқини берувчи иккинчи йўлланма учун кураш жиззахлик 3-мактаб ўқувчиси Юлдуз Ҳамроқулова ва тошкентлик Вера Долженковалар ўртасида кечди.

Қизиғи шундаки, икки шахматчи ҳам 9 турдан сўнг бир хил — 7 очкодан тўплашди.

Тай-брек усулида 3 марта ўйин ўтказилди ва Юлдуз Ҳамроқулованинг қўли баланд келди. Унга иккинчи ўрин ва олий лигага йўлланма берилди. 13 ёшли у шахматчининг олий лигада иштирок этиши ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Омад сенга ёр бўлсин, Юлдуз.

Машҳура СОДИҚОВА

МАКТАБДА ЯНГИ СПОРТ МАЖМУАСИ

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 230-мактабда Халқ таълими вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, туман хокимлиги ҳамда "Йўл қурилиш ва битон" заводи ҳомийлигида ёшларимизнинг соғлом, баркамол бўлиб вояга етишлари учун спорт мажмуаси ташкил этилди. Энди ўқувчилар бўш вақтларида шу комплексдаги бассейн, спорт зали ва тренажёрдан беминнат фойдаланиб таэквандо, теннис машғулотлари билан шуғулланмоқдалар. Айниқса кам таъминланган оила фарзандларига ушбу комплексдан бепул фойдаланиш имкониятлари яратиб берилгани янада қувонарли ҳол.

Севара АҲМЕДОВА,
Зангиота тумани 26-мактаб 11-"А" синф ўқувчиси

9 март тонгини Тошкент ёмғир билан кутиб олди. Бу ёмғир майдалаб-майдалаб кун бўйи ёғиб турди. Лекин бу ҳол минг-минглаб футбол мухлисларининг Марказий "Пахтакор" стадионига ташриф буюришларига асло халақит беролмади. Чунки улар футболни, "Пахтакор"ни соғинган эдилар.

Илк бор ташкиллаштирилаётган Осиё Чемпионлари Лигасининг "D" гуруҳи мусобақаларига мезбонлик қилаётган "Пахтакор" биринчи ўйинни Туркманистоннинг "Ниса" жамоасига қарши ўтказди. Илк учрашув қаяжони босдими ёки бошқа сабабданми, ишқилиб мезбонлар ҳисобни очиш учун кўплаб ҳужум уюштирган бўлсалар ҳам то гол киритгунга қадар айтарли хавфли вазият содир этолмадилар. Тўғри, рақиблар дарвозаси томон бир-иккита кучли зарбалар йўлланди (Солиев, Кошелев), аммо ноаниқ. Аксинча туркманлар озроқ ҳужум қилганларига қарамасдан битта ёдда қоларли вазиятни вужудга келтиришди. Яхшиям, бу вазиятда "Ниса" ҳужумчиси мўлжалда озгина адашди: унинг 25 метрлар узоқликдан тепган тўпи дарвоза тўсинига тегди.

Биринчи бўлим охирлаб борар экан, "Пахтакор" бирдан жонланди. Ҳужумчи Б. Ҳамидуллаев катта тезликда жарима майдонига кириб, майдон ташқарисига чиқиб кетаётган тўпни қайтариб уни А.Солиевга етказди. Қийин вазиятда турган бўлишига қарамай Анвар ҳам ўз навбатида Л.Кошелевни зарба нуқтасига чиқарди. Зарба беришдан аввал Леонид бир ҳимоячини алдаб ўтди. Ва ўзининг ажойиб зарбаси билан дарвоза устунини "нишонга олди". Ҳужумни бошлаб берган Ҳамидуллаев устунга тегиб қайтган тўпни дарвозага аниқ йўллаб, стадиондаги минглаб, ТВ орқали ўйинни кузатаётган миллионлаб ўзбек мухлисларига қувонч ҳадя этди. (Ўзи ҳам қувончини яшира олмади).

1:0 ҳисоби билан танаффусга чиқиб кетган жамоалар иккинчи бўлимни фа-

АССАЛОМ, ФУТБОЛ!

олроқ бошлашди. Тўғрироғи "Пахтакор" кучайди. Кетма-кет уюштирилган ҳужумлар ўз самарасини бериб, аввалига Анвар Солиев ҳимоячилар хатосидан, кейинчалик Леонид Кошелев дарвозабон хатосидан фойдаланиб севимли жамоамизнинг йирик ғалабасини таъминладилар.

Шунингдек, ўша куни гуруҳнинг бошқа жамоалари — "Пирузи" (Эрон) ва "Ал-Талаба" (Ироқ) ўзаро куч синашди. Ўйин деярли тенг курашлар остида ўтган бўлса-да эронликлар кичик ҳисобда ютишди. Жамоа етакчиси Яҳё Гулмуҳаммадий томонидан киритилган ягона гол "Пирузи"га ғалаба келтирди.

Элмурод НИШОНОВ

"АДОЛАТНИНГ ҒАЛАБАСИ"

ХХ Республика "Қувноқ стартлар" телемусобақаларининг саралаш учрашувлари охирлаб қолди. Куни кеча бўлиб ўтган баҳсда Бухоро шаҳрининг Файзулла Хўжаев туманидаги 26-мактабнинг "Моҳихоса" ва Навоий вилоятининг Навоий туманидаги 11-мактабнинг "Адолат" жамоаси аъзолари ўзаро куч синашди.

Учрашувнинг дастлабки мусобақасидаёқ ("Чаққон болалар") навоийлик ўқувчилар беллашувга пухта ҳозирлик кўрганликларини кўрсатишди. Иккинчи баҳсда ("Арқон тортиш") ҳам жамоа ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиб, яна 3 очкони қўлга киритди.

Дастурнинг учинчи беллашуви ("Тўсиқлар

Quvnoq startlar

орасида баскетбол") қизғин ва ҳаяжонли курашлар остида ўтди. Старт чизиғидан чиқиб, залнинг нариги томонига ўрнатилган саватга тўпни туширолмаслик ҳоллари кўп такрорланди. Бу баҳсда, ниҳоят, бухороликлар ғолиб бўлишди.

Мусобақа дастуридан ўрин олган ўйин ва эстафеталарни бирма-бир шарҳлаб ўтирмай хулоса қиладиган бўлсак, "Адолат" жамоаси ғалаба иштиёқида ҳаракат қилганлигининг гувоҳи бўлдик. 25:12 ҳисобида зафар қучган навоийлик ўқувчилар чорак финалда қорақалпоғистонликлар билан баҳслашадилар.

Ғ.МАННОПОВ

G'aroyibot olami

НОМАЪЛУМ УЧАР ЖИСМЛАР ТАҲДИДИ

Инсоният пайдо бўлиб, ақлидрок юрита бошлагандан буён у кўплаб табиий ҳолатлар сирини ўрганди ва бунинг натижасида тўғри ҳаёт йўлини танлаб, тараққиётга асос солди. Она табиатимизнинг кенг қучоғида кўплаб инсон ақли етмайдиган ҳолатлар, номаълум ҳаракатлар бирлашмаси борки, биз уни ечишга ҳозирча ожизлик қилаяпмиз. Шулардан бири, кўплаб шов-шувларга сабабчи бўлган "номаълум учар жисм"лардир.

Гарчи, номаълум учувчи жисмларни (НУЖ) кўрган кишилар ҳақидаги хабарлар минг йиллар олдинги қўлёзмаларда ҳам учраса-да, бу "юқумли касаллик" 1947 йили 24 июнда шахсий самолётида (АҚШ, Вашингтон штати) сайр қилиб юрган америкалик тадбиркор Кеннет Арнольд туфайли бошланди. Арнольд шу куни мазкур ҳудудда бирданига тўққизта "учар тарелкани" кўрганини маълум қилди. Шу йилнинг ўзида, Кения (Африка) қирғоғидан узоқлашаётган пароход йўловчилари ҳавода узунлиги 300 метр келадиган ярқироқ жисм товушсиз ҳаракатланаётганлигини кўришди. 1957 йили Бразилиянинг улкан юк ташувчи самолётининг ёнидан қизил рангдаги жисм учиб ўтди. Хулласки, 1947 йилдан кейин НУЖларни кўрувчиларнинг кети узилмай қолди.

ОАВдаги кўплаб мақолалар туфайли шов-шувлар қиёмига етиб, миллионлаб кишиларнинг хаёлини чулғагандан кейингина, уларни илмий асосда текшириб кўришга киришилди. Худди шундай мақсад билан таниқли АҚШ олими, профессор Дональд Менсел жаҳонда биринчи бўлиб 1958 йилгача газета ва журналларда чоп этилган мақолаларнинг таҳлили ва текширишлар натижалари ўлароқ "Учар жисмлар ҳақида" китоб чоп этди. Олим ўз китобида НУЖлар кўп ҳолларда кузатилмаган жисмлар эканлигини, айрим ҳолларда эса атмосфера ҳодисалари ёхуд "учар тарелкалар"га ҳеч даҳли йўқ жисмлар эканлигини маълум қилди.

1975 йили НУЖларни таҳлил қилиш мақсадида ҳамда бошқа астрономик кузатувлар учун АҚШнинг Техас штатидаги Остин шаҳри яқинида 160 гектарли махсус обсерватория қурилди. Обсерваторияда ўнлаб автоматик фотокамералардан ташқари, магнитомер ва НУЖдан келаётган нурларни спектр жиҳатдан ўрганишга имкон берадиган дифракцион панжарали фотокамера, ёруғликни фотоэлектрик жиҳатдан қайд қилишга мўлжалланган улкан телескоп, видеомагнитофонли телекамера ҳамда бошқа замонавий аппаратлар билан жиҳозланган марказий лаборатория ташкил этилди. Бундан ташқари обсерватория, имконияти туғилса, НУЖларнинг бошқарувчилари билан ҳам автоматик равишда алоқа қилиш шароитини яратувчи диаметри 30 метрли, айланма бўйлаб тақсимланган 91 та сигналли чироқ-фонарга ҳамда маълум тўлқин узунлигида мос қизил нур чиқарувчи гелий-неон лазери қурилмасига ҳам эга эди. Мана, кўп йиллар ўтса ҳам бу улкан обсерватория НУЖлар ҳақида биронта ҳам ишончли далилни қўлга кирита олмади.

Шов-шувларга чек қўйиш учун бўлса керак, Россияда ҳам "Номаълум учар жисм"ларни илмий асосда таҳлил қилиш мақсадида махсус Марказий Академия ташкил қилинди.

1977 йили Петрозаводскда (Россия) минглаб одамлар номаълум учар жисмларнинг ҳаракатини кузатишган. 3 апрель 1990 йили Москва атрофида учар жисмлар пайдо бўлди. Уларни кузатиш учун Москва ҳарбий аэродромидан тезлик билан самолётлар кўтарилиб, учар тарелкаларга яқинлашаётганларида улар "учар тарелкалар" инсон кўзига аниқ илғанмайдиган номаълум ҳажмдаги нурлар, майда заррачалар мажмуаси — йиғиндисидир. Аммо бу ҳам аниқ, далилий жавоб эмас. Лекин коинотда инсон бошқарувисиз автоматик равишда учаётган кўплаб ер йўлдошлари ва бошқа аппаратлар мавжуд.

Айрим далилларга мурожаат қиламиз:

1989 йилнинг 6 июнь куни Вологда (Россия) вилоятининг Конанцево қишлоғи яқинига НУЖларнинг бутун бошли галаси (эскадрильяси) қўнди. Афсуски, улар қўнган бир сониядаёқ ғойиб бўлишади. Бу борада кўплаб илмий изланишлар олиб борилди. Номаълум учар жисмлар қўнган барча жойлар синчиклаб текширилди, лекин жойлардан олинган тупроқ намунаси ҳеч қанақа натижа бермади.

Шу вақтга қадар ўзга сайёрадан келганларни ҳеч ким яқиндан бориб ушлаб кўрмаган, видеотасвирга тушира олмаган. Улкан замонавий телескоплар орқали мунтазам кузатишлар ҳамда ҳарбий мутахассисларнинг фикрича жойдаги тупроқ таҳлили ҳеч қанақа натижа бермади.

1975 йили умрининг кўпини НУЖ ҳақидаги фактларни текширишга бағишлаган АҚШлик журналист Д.Женобсон "Америкада НУЖлар ҳақида баҳс" номли яратган китобида кўпчилик далилларни уйдирма, айримлари табиатнинг ҳали ўрганилмаган ҳодисалари эканлигини асосли, содда қилиб баён қилди.

Космонавтика соҳасидаги таниқли француз олими Боде эса бундай дейди: "Ҳаракатдаги аланга, машъала, метеорларнинг бари самодан тушаётган майда тошлар билан бир хил характерга эга бўлиб, фақат катталиги билан фарқ қилади. Бундай ҳодисаларнинг бир қисми атмосфера қуйи қатламининг қуюқ даражада буғланиши натижасидадир. Бундай буғланиш фосфорицент нурланиш бериб, шамолда нурлар турлича кўринишда товланиб ҳаракат қилади."

Профессор Дебин: Галактикада янги-янги юлдузларнинг пайдо бўлиши натижасида кўплаб энергия ажралиб, ундан миллионлаб учар тарелкаларга ўхшаш жисмлар пайдо бўлади. Энг яқин қўшнимиз бўлган сайёра Марсда "АҚШнинг сайёралараро учирилган автоматик, "Меринер-9", "Вининг-1" ва "Вининг-2" аппаратлари юборган фото, телетасвирлар бўйича қилинган таҳлилларга асосан, ҳеч қандай тирик мавжудот йўқлиги исботланди. Яъни сайёрада атмосфера босими жуда ҳам кам, шунинг учун сув плюс 2 градусда қайнайди. Марс сайёрасининг юз сатҳи 97 фоиз CO^2 (карбонад ангидрид), 1,5 фоиз азот, 1,5 фоиз аргон гази билан қопланган. Бу газлар ўта заҳарли бўлиб, ҳеч қачон тирик мавжудотга шароит яратиб беролмайди.

Инсон кўзи 2 миллионга яқин турли рангларни ажратиш қобилиятига эга. Шундай экан, айрим одамларнинг табиий ҳолатига қараб, кўзига турли нурлар мажмуаси кўриниши мумкин ва бу ҳодиса унинг миясида жойлашиб қолади. Бундан ташқари инсон миясида одам уйғоқ бўлган пайтда ҳам унинг ўзи билмаган ҳолда у билан айрим ҳодисалар, учрашувлар ҳақиқатан бўлиб ўтгандек туюлади ва у бунга ишонади. Натижада миш-мишлар келиб чиқади.

Ой юзига жаҳонда биринчи бўлиб оёғини қўйган америкалик астронавт Армстронг гуруҳи қатнашчиларининг фазодаги кўплаб кузатувларига кўра, бизга кўриниб турган ранг-баранг тарелкалар кўринишидаги жисмлар аниқ геометрик шаклга, оғирликка эга бўлмай, балки коинотдаги турли газлар йиғиндиси — бирлашмаси натижасида ёруғлик таратувчи ҳолатларга мос келадиган кўринишидир.

Илҳом ШЕРМУҲАММАД

ҚУНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

Ko'ngil bitiklari

Жуманазар БЕКНАЗАР

СОҒИНЧ

Қувватга чулғанган деҳқон кафтидан,
Мевалар ранг олар кўёш тафтидан,
Товланган мехрдан хурсанд афтидан,
Мен эса соғиндим, сени, баҳорим.

Қуёш ёнбошлагач, лоларанг осмон,
Тун бағрига чўкар толиққан уммон,
Имлаб чақирса ҳам юлдузлар ҳамон,
Мен эса соғиндим, сени, баҳорим.

Хаёллар ипидек учар мезонлар,
Қувончнинг сеҳрига ўйнар хазонлар,
Туйғуни бўғса ҳам чангу тўзонлар,
Мен эса соғиндим, сени, баҳорим.

Бола кўнглидай оқ борлиқ—келинчак,
Шодликдан эриган қор ёши чак-чак,
Бунчалар хушчақчақ Ватан—беланчак,
Мен эса соғиндим, сени, баҳорим.

Хайратдан музлар ҳам синса қарсиллаб,
Қиш каштасин тикиб, боқар лорсиллаб,
Сўнг қувонч ортидан чопар ҳарсиллаб,
Мен эса соғиндим, сени, баҳорим

Рақсга тушар муз сув ўркачида,
Маржондек товланар қизлар сочида,
Бўлса ҳам гўзаллик қишнинг кучида,
Мен эса соғиндим, сени, баҳорим.

Зимдан-да ўкраяр яланғоч қирлар,
Баҳордан кутаркан либос фақирлар,
Лабининг четидан кулар тақирлар,
Мен эса соғиндим, сени, баҳорим.

Офтобдан симириб зиё гаштини,
Бутоқлар жилмайиб тугар муштини,
Ғунчага берарлар барча қасдини
Мен эса соғиндим, сени, баҳорим.

Ям-яшил япроқлар мўралаб боқар,
Астағина ноз-ла гулларин чақар,
Томирда кўпириб мўъжиза оқар,
Мен эса соғиндим, сени, баҳорим.

ҚУВА БАҲОРИ

(Муҳаммад Алига)

Қоши қаро қизлар мунча қув-а!
Қиш ортидан баҳор қува-қува
Келди, чирой очди шаҳри Қува,
Сутга чайилган чирой ила қизлар,
Қалбингни ром айлаб мунча қув-а!..

Чўққилар бағридан қор сирғалар,
Тошлардан сакрайди шўх жилғалар,
Майсаларга тақиб дур-сирғалар,
Ўйнашиб мунча қув зилол сув-а!

Ялпизлар ҳидига бўлиб шерик,
Олмазор гуллари йирик-йирик,
Келинчакка менгзар гўзал ўрик,
Гуллар барг тўкар дув, дув-дув-а!

Митти муштин очар токнинг қўли,
Ҳаёдан қизарар анор гули,
Гўзаллик рашкида тоғ булбули,
Аламдан йиғлайди ув, ув-ув-а!

Узоқдан тойчоқлар шўх кишнашиб,
Буғдойзор ўйнашар қўл ушлашиб,
Ёмғир томчилари шивирлашиб,
Қувнашар қиз кокилин ювa-юв-а!..

Нафис лаззатлардан танглай қоқиб,
Гуллар ёноғидан асал топиб,
Эвазига оларкан ҳисли ўпиб,
Учар асалари ғув, ғув-ғув-а!..

Меҳрибон, парвона тўртта фасл.
Анори дунёга намуна асл,
Гулдек чирой очар у муттасил,
Ҳавас ила боқар Москва, Тува!..

Тошлари ўрнашган қорли қирға,
Шодлиги водийга сиғиб зўрға,
Шафтоли гулидан тақиб сирға
Баҳорни эркалаб яшар Қува!

Уй тўла одам, хотин-халаж бир ёқ, эркаклар бир ёқ: марҳумни ёд этиш маросими. Мезбонлар кириб-чиқиб, дастурхонга кўз қирларини ташлаб кетишади. Ҳар қалай ўзбекчиликда, "Меҳмон отангдан улуғ!" дейишади.

Қуръон тиловатидан сўнг, марҳум бир қур эсга олингач, ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб кетди. Бола-чақа, оилавий муаммолар хусусидаги суҳбат дегандек... Тўй-маърака одамларни бир-бирига яқинлаштиради, дийдорлаштиради дегани шу-да.

Тўрда ўтирган онахонлардан бири, кутилмаганда безовталаниб қолди. Оғзига олиб борган пичакни (Самарқанд томонларда сомсанинг бир тури) тишлаб, чайнай бошлаган эдики, нимадир тишига қаттиқ тегди, узук шекилли. Ҳеч кимга сездирмай, чайнаган луқмасини қўлига олиб қаради. Қарасаки, луқма орасида ингичка узук. Ярақлашидан билди, тилла. Уй эгаларининг қимматбаҳо буюми, буни йўқотган эгаси не кўйга тушган бўлса... "Афтидан, пичак масаллиғини тайёрлаётганида у бармоқдан сирғалиб тушиб кетгану, эгаси сезмаган. Сомсага масаллиқ солинаётганда ҳам у кўзга ташланмаган. Бу ёғини-ку қўяверинг, тилла ўтда ёнмайди, зангламайди деганларича бор, хамирнинг ичига кирган узук тандир тафтидан ҳам "соғ-саломат" ташқарига чиқибди. Энди эса, худди эгасини истагандек, оғизнинг ичидан...

Одамни ўз нағмасига ўйнатувчи шайтон аёлни аврай бошлади: "Бекитиб

БИРОВНИНГ МОЛИ БУЮРМАЙДИ

(Воқеа)

қўй, ҳеч ким кўргани йўқ. Истасанг, менга хўп десанг, шу тилла буюм сеники бўлиши мумкин!" Аёл шайтон билан аёвсиз олишди, ҳар қанақасига уни енгишга уринмасин, шайтон устун келадигандек эди. "Йўқ, бу бировнинг моли, олганим билан буюрмайди. Ахир буни ҳеч ким кўрмаса ҳам, Оллоҳ кузатиб турибди-ку!"

Аёл секин даврадан сирғалиб чиқди. Унинг саросималанаётгани бошқаларга ҳам сезилди. Аммо сир бой бермади, узрли ҳолат, дея қутулди.

Ташқарига чиқди, кафтида узук, ҳали ҳам иккиланмоқда. Охири диёнат деб аталган ички бир куч вужуд-вужудини маҳкам чирмаб олди. Хонадон келинини чақириб:

— Нима йўқотдинглар? — деб сўради.

Йўқолган нарсанинг топилишига умид уйғонган келин воқеани батафсил ҳикоя қила кетди. Худди ўзи ўйлаганидек тафсилот.

— Мана, тилла буюминг, қизим! Ўзингга буюрсин! Оғзимдан чиқиб қолди, — аёл кафтидаги узукни келинпошшага узатди.

— Вой, буни қаранг! Ҳалол мол-да, лекин топилишига ҳечам умидим қолмаганди. Изламаган жойим қолмади. Масаллиқнинг ичига тушганми, бошқа жойгами, билмасдим. Кечадан бери на қайнонамга, на эримга айта олдим! Минг раҳмат сизга! Суюнчисини беришим керак!

— Ҳожати йўқ, болам! Мен виждоним, иймоним буюрган ишни қилдим!

— Сиздан бошқа аёл бўлса, берармиди хола! Жудаям кўнглингиз тоза аёл экансиз! Болаларингизнинг роҳатини кўриш насиб қилсин!

Аёл келин рози бўлиб узатган пулни ҳам олмади. "Дуо қилиб қўйинг, шу кифоя" деди. Олтиндан олқишни ҳамма ҳам устун қўявермайди. Бунинг уддасидан фақат икки дунё саодатини ўйлайдиган кишиларгина чиқишади.

* * *

Бу — бир савдо ходимининг кузатуви. Мен уни оққа туширдим холос. Бир қарашда оддийгина ҳаётий ҳодиса. Ўйлаб қарасам, тагида халқона бир ҳикмат яширинган: "Яхши топиб гапирар, ёмон қопиб гапирар"

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА оққа кўчирди

Tarbiyaviy soatlarda

Xullas...

ЭСКИ ТЕЛЕВИЗОРНИ ТАШЛАБ ЮБОРМАНГ

Нафақат телевизор, балки эски буюмларни ҳам ташлаб юбориш керак эмас, деб ҳисоблайди Молдаванинг Бельц шаҳарчасида яшовчи муаллим Тудор Думбров. Унинг ташаббуси билан 5-мактабда ажойибғаройиб музей ташкил қилиндики, қизиқиб кирмаган ўқувчининг ўзи йўқ.

Музейдаги "совет" даврининг маҳсулоти "КВН" телевизори кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортмоқда. "Телерадиоаппаратуралар ҳақида дарсда минг марта гапиргандан кўра, унинг тузилишини ҳаётда кўрсатсак, менимча фойдалироқ. Ҳозир ҳамма жойда рангли телевизор, уни очиб кўрсатишга, ўрганишга ўзимиз ҳам рози бўлмасдик. Эскисини ҳар қанча кўрсатаверинг! Бундан ташқари, экспонат ролини ўйнайди", дейди музей ҳақида мухбирларга интервью бериб Тудор Думбров.

КУНУ ТУН УХЛАБ СЕМИРГАН МУШУК

Уйқу ҳам семиртирувчи омил. Аммо бу омил ҳайвонларда ҳам семириш ҳолатини келтириб чиқариши ҳақида эшитмагандирсиз. Уралда "Кэти" лақабли мушук яшайди. У бундан беш йил муқаддам дунёга келган бўлиб, бугунги кунда вазни 23 килога етди.

"Новый регион" агентлигидан тарқатилган хабарга кўра, Асбест шаҳарчасидаги бу мушук уй эгаларининг ҳаддан ташқари ғамхўрлиги остида парвариш қилинган. Ёшичишдан сўнг "Кэти" хуррак отиб ухлайди. Ҳаракат қилиб, ўз ризқу насибасини ахтарадиган мушук бўлганида-ку, бу қадар семириб кетмасди. Қорин қайғуси йўқ, парвариш зўр. Оқ ювиб, оқ таралади, гоҳо сайрга чиқилади. Бу сиам мушугини боқаётган уй бекаси уни Гиннеснинг рекордлар китобига киритиш учун расмийлаштириш ишларини бошлаб юборди. Австралиянинг "Химми" деган мушуги рекодлар китобига 21 килою 300 грамм вазн билан киритилган эди. Ураллик мушукча уни йўлда қолдирди. "Кэти" ўзининг бошқа параметрлари билан ҳам "Химми"дан устунроқ.

1,5 ЯШАР ЗУМРАШАНИНГ ЎЗБОШИМЧАЛИГИ

Черемшан тумани марказий шифохонаси ходимлари 1,5 яшар болани ўзига келтиргунча она сутлари оғзиларидан келди. Нима учун, дерсиз.

Телевизор томоша қилиб ўтирган отасининг кўзини шамғалат қилиб, кўчага чиқиб кетган болакайнинг 30 даражалик совуқ билан "юзлашишини" тасаввур қилсангиз керак. Устки кийим йўқ, қайтиб уйга кирмай, адашди. Боши оққан томонга кетаверди, совуқ-қотиш тугул, муз қотиб, танаси ҳаракатсиз ҳолатга келди.

Яхшиямки, шифокорлар бор экан. Ўзбошимчанинг тана ҳароратини нормаллаштириб, ўзига келтиришди. Оғир даражадаги музлаш ҳолатига тушган боланинг отаси унинг тирик қолганига шукроналар қилмоқда...

ana shunaqa gaplar

"ЗАРДЎШТ" КРОССВОРДИ

БЎЙИГА: 1. Хоразм вилоятидаги туман. 2. ЖЧ-2002 (футбол) Аргентина терма жамоаси бош мураббийи – Марсель ... . 3. Албания пойтахти. 4. Кариб денгизида жойлашган давлат. 5. Соат тузатувчи. 6. ТВ 1 даги кўрсатув. 7. Никарагуа пойтахти. 8. XX аср бошидаги ўзбек маърифатпарварларидан бири – Абдулла ... . 11. Германия футбол жамоаси. 12. "Порту" футбол жамоасининг Жанубий Африкалик легионери – Бенни ... . 15. Пойтахти Бангкок. 16. Ўрта асрларда "Денгиз маликаси" номини олган шаҳар. 17. "Реал" футбол клуби дарвозабони – Икер ... . 18. Пойтахти Вена. 20. Испания пойтахти. 21. Канада пойтахти. 22. Эстония пойтахти. 23. АҚШ штати.

ЭНИГА: 1. Гренландия маъмурий маркази. 3. Кичик Осиёда жойлашган давлат. 5. Тақвим, календар, йилнома. 7. АҚШ штати. 9. "Парма" ф/к нинг японияликлегионери - Хидетоши ... 10. Юмалоқ шакл. 11. Англия футбол юлдузи – Тедди ... 13. Зардуштийлик динининг асосчиси, тарғиботчиси. 14. Заҳириддин Бобур ўғилларидан бири. 15. Ўзбекистонлик футболчи – Олим ... 17. Парагвай терма жамоаси аъзоси – Хосе ... 19. АҚШ штати. 20. Франция терма жамоаси. 22. Италия футбол жамоаси. 24. Ҳўжаликнинг смета лойиҳасига кўра маҳсулот ишлаб чиқариш учун бериладиган ёрдам маблағи. 25. Мафиянинг ватани. 26. Туркия терма жамоаси аъзоси – Умит ... . 27. Ўзбекистон Республикаси Каратэ федерацияси президенти - ... Нафасов.



Тузувчи: Илҳом ЎРОЛОВ

Муҳтарама ҳамкасбимиз Турумтош АБДИЕВА!

Сиз ўз умрингизнинг асосий қисмини мактаб деган улуғ кошонадаги серташвиш, сермашаққат ишга бағишладингиз! Биз — сиз билан бирга ишлаган ҳамкасб ва шогирдларингиз шуни мамнуният билан қайд этамизки, умрингиз беҳуда ўтмади. Сиз ўз сабоқларингиз, одоб илмига доир панду насиҳатларингиз билан ўқувчиларингиз қалбида узоқ йиллар яшайсиз!

Сизга соғлик, оилавий бахт тилаб, ҳаётингиз бундан кейин ҳам рўшнолик билан ўтишини тилаб қоламиз!

Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 55-ўрта мактаб педагогик жамоаси

Қадрли устозимиз ва ҳамкасбимиз Ҳиммат БЕГАЛИЕВ!

Сизни қоратошликлар бир мактабни узоқ йиллар бошқарган камтарин раҳбар, маслаҳатгўй инсон сифатида билишади, ҳурмат қилишади.

Шогирдларингиз, сизга садоқатли ҳамкасбларингиз мактаб шон-шуҳрати учун елиб-югуриб хизмат қилишмоқда. Биз уларнинг барчасига сиздек бообрў муаллим бўлиб қолишини тилаган ҳолда, сизга бардамлик, куч-қувват, фарзандлар камолини кўриш насиб этишини истаймиз.

Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 55-ўрта мактаб педагогик жамоаси

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази 2003 йил 11,18,25 апрель, 2,8,16,23,30 май, 6,13,20,27 июнь кунлари соат 10 00да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида кимошди савдолари ўтказади.

КИМОШДИ САВДОЛАРИДА

Қуйидаги манзилларда жойлашган савдо, маиший хизмат кўрсатиш, техник хизмат кўрсатиш мажмуалари ва бошқа биноларни қуриш учун мўлжалланган ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи сотилади:

№ т/р	Ер участкаси жойлашган манзил ва қуриладиган шахобча тури	Ер участкасининг сатҳи, га	Бошланғич нархи, Сўм
	Чилонзор тумани		
1	16-мавзе, 2-Қатортол кўчасида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун (2 та)	0,03	3415 200
	Собир Раҳимов тумани		
2	F.Гулом кўчасида маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун	0,02	7434 000
3	Қамарнисо кўчасида савдо ва маиший хизмат мажмуаси қуриш учун	0,05	5592 000
	Акмал Икромов тумани		
4	15-мавзе, Х.Турсунқулов кўчасида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун	0,015	3525 300
5	23-мавзе, Ширин кўчасида спорт-соғломлаштириш мажмуаси қуриш учун	0,20	16861 000
6	Х.Турсунқулов кўчасида савдо растаси қуриш учун (4 та)	0,015	3525 300
	Юнусобод тумани		
7	Лойиҳадаги Мойқўрғон ва Хасанбой кўчалари кесишувида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун(3 та)	0,05	4215 000
8	Мойқўрғон ва Тикланиш кўчалари кесишувида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун	0,10	6 009 000

Ер участкаларининг узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқининг бошланғич нархларга ер участкасининг лойиҳалаш учун керакли дастлабки ҳужжатлари тўпламини тайёрлаш харажатлари қўшилган. Ҳужжатлар тўпламига қуйидагилар киради:

- **ер участкасининг чегараси;**
- **меъморий-лойиҳа вазифалари АПЗ-I, АПЗ-II;**
- **топографик съёмка, масштаб 1:500;**
- **муҳандислик-геологик хулоса;**
- **шаҳарсозлик талаблари ва қуриладиган бино эскизи.**

Савдоларда юридик ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Аризалар қабул қилиш кимошди савдоси бошланишига бир кун қолганда соат 18-00да тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич нархининг 5 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Ер участкаси бўйича узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқини сотиш шартномаси савдо ўтказилган куни тузилади.

Кимошди савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан танишиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Моваройннаҳр кўчаси, 16а-уй, 402-хона. Телефонлар: 133-20-74, 132-25-51.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази 2003 йил 11,18,25 апрель, 2,8,16,23,30 май 6,13 июнь кунлари соат 10 00да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида кимошди савдолари ўтказади.

КИМОШДИ САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

1. Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси томонидан тақдим этилган Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Саракульская кўчаси, 5-уйда жойлашган ЖКО "Транссаноаткурилиш" корхонасининг 2 қаватли бинонинг майдони 426 кв.м бўлган 1-қавати, бошланғич нархи 23450333 сўм.

2. Тошкент шаҳар М.Улуғбек туман суди ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчасида жойлашган 162а-уй, бошланғич нархи 119683745 сўм.

3. Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси томонидан тақдим этилган Тошкент шаҳар, А.Икромов тумани, Чилонзор-25 мавзеси, 12б-уйда жойлашган "Пудратчи махсус қурилиш" шўъба корхонасининг маъмурий биноси, бошланғич нархи 5559793 сўм.

4. Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси томонидан тақдим этилган Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, К.Ёрматов кўчаси, 12-уйда жойлашган "Тошметроқурилиш" трестига қарашли 2-Қурилиш монтаж бошқармасининг 7КР-600 маркали электровози, бошланғич нархи 103461402 сўм.

Савдода қатнашиш учун харидорлар объектларнинг бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Моваройннаҳр кўчаси, 16а-уй, 402-хона. Телефонлар: 133-20-74, 132-25-51.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-210.
Тиражи 32240 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Ҳусан НИШОНОВ,
Навбатчи: Абдулҳамид МУХТОРОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 21.00